

**Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги
А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти**

**“Тарих” факультети
“Умумий тарих” кафедраси**

**“Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари проректори
_____ доц.Н.Алимов
« _____ » _____ 2010 йил**

***" ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ "*
фани буйича замонавий педагогик технология асосида
езилган**

**МАЪРУЗА МАТНЛАРИ
(1918-1945 йиллар)**

Билим соҳаси: 100 000 - Таълим
таълим соҳаси: 140 000 - Ўқитувчилар тайёрлаш
ва педагогика фани

Бакалавриат йўналишлари: 514 06 00 - Тарих

Жиззах-2010

АННОТАЦИЯ

Жаҳон давлатларининг биринчи жаҳон урушидан кейинги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланиши, Версаль-Париж сулҳ системаси. Дунё мамлакатларининг ҳалқаро муносабати. Фашизмнинг вужудга келиши, тоталитар-социалистик лагернинг шаклланиши. Иккинчи жаҳон уруши. Собиқ социалистик мамлакатлар инқирозидан кейинги жаҳон мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан тикланиши. Мустақил давлатларнинг ташкил топиши. Жаҳон мамлакатларининг XX аср охиридаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ащволи. XX аср охири ва XXI аср бўсағасида ҳалқаро муносабатлар. Ҳозирги замонда тараққиётнинг янги йўналишлари. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари билан ҳамкорлиги.

Тузувчи:

доц.Жавлонов Т.Ж.,

ўқ.Миркомилова Н.

Тузувчилар: доц.Жавлонов Т.Ж.,
ўқ.Миркомилова Н.

Такризчилар:доц.Миркомилов Б.,
“Умумий тарих”
кафедраси мудири
доц.Пардаев М.,
“Ўзбекистон тарихи”
кафедраси мудири
доц.Нурқулова Р

Маърузалар матни А.Қодирий номли ЖДПИ Тарих факультети
“Умумий тарих” кафедрасининг 24 август 2007 йилдаги №1 сонли
мажлисда кўриб чиқилган.

Жаҳон тарихи
Энг янги тарих (Европа ва Америка). (1918-1939 йиллар)
III-курс VI-семестр. Маъруза -42 соат, Семинар -46 ,

	Мавзулар номи.	Ваъз	Амали машгул	Жами
1	Кириш. 1 ва 2-чи жаҳон уруши ўртасидаги Европадаги мамлакатлар ва АҚШ.	4	4	8
2	Англия 1918-1939 йилларда.	4	4	8
3	Германия 1918-1939 йилларда.	4	6	10
4	Франция 1918-1939 йилларда.	4	4	8
5	Австрия 1918-1939 йилларда.	2	2	4
6	Италия 1918-1939 йилларда.	4	4	8
7	СССР 1918-1939 йилларда.	6	8	14
8	Европа ва Америка мамлакатлари 2-чи Жаҳон уруши йилларида.	4	4	8
9	1918-1939 йилларда халқаро ишчилар ҳаракати.	2	2	4
10	Хитой 1918-1939 йилларда.	4	4	8
11	Япония 1918-1939 йилларда.	4	4	8
12	Якуний хулосалар			
13	Жами:	42	46	88

Кириш

Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1918-2007 йиллар) кишилик жамиятининг XVII аср 40-йилларидан бошланган янги тарихнинг давоми, умумий тарихни нг сўнгги, энг мураккаб ва энг муҳим қисмидир. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи 1918 йилдан ҳозирги вақтгача дунёда бўлган муҳим воқеаларни, социал иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни, жаҳон тарихий тараққиётининг асосий йўналишларини, жаҳон миқёсида юз бераётган зиддиятларни, озодлик кураши жараёнларини, жаҳон миқёсида юз бераётган зиддиятларни, озодлик кураши жараёнларини, социализмнинг инқирози сабаблари ва ундан кейинги ривожланиш тараққиёт босқичлари, шунингдек, 1918-2003 йиллар ичида содир бўлган халқаро муносабатлар муҳим хусусиятларини ўргатади.

Халқлар ҳаётида юз берган ва юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, халқаро муносабатлар ривожланишининг йўналишларини баён қилиш энг янги тарих фанининг муҳим вазифасидир.

Шунингдек, энг янги тарих уруш ва тинчлик муаммоларини, тинчлик учун кураш масалаларини, ташқи сиёсатдаги қарама-қарши йллар ва тендецияларини тушунтиради.

Энг янги тарих масалалари ғоятда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бунда синфлар, партиялар, оқимлар, турли нуқтаи назарлар курашади, ҳақиқат ва озодлик ва социал тараққиёт учун кураш масалалари турли мамлакатлар мисолида кенг ва чуқур гавдаланади.

Ҳозирги дунё мураккаб ва турфа хил. Бунда турли маданиятлар ёнма-ён яшайди ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Бутун дунё билан муваффақиятли муносабатларга киришиш, дўстлик ва хамкорликни ривожлантириш учун мавжуд воқеликнинг муаммоларини чуқур билиш ва бу билимдан умум манфаати йўлида фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китобида дунё мамлакатлари билан тинч-тотув яшаш ва шундай ёзади: “Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгиланган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий

аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим”.

Инсоният XX асрда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётда улкан қадамлар ташлади. Асримизнинг 20-йилларида бошланган илмий-техникавий инқилоб ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Инсон тарихида биринчи марта очик фазога чиқди ва ойга қадам босди. Атом энергияси, инсон ирсияти соҳасидаги кайфият, электроника, фазовий телевидение, энг янги ҳаракат воситалари халқларнинг ўзаро муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга хали ҳал этилмаган бир талай муаммолар борки, уларни бартараф этиш учун инсоният ўз кучларини бирлаштириши лозим. Очлик ва қашшоқлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, оғир юқумли касалликларга қарши кураш ва ҳаёт даражасини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари учун кураш, халқаро ҳуқуқ мезонларини қарор топтириш шулар жумласидандир.

Илмий-техникавий инқилоб ва унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги кўриниши муҳим аҳамият касб этди, жаҳон ижтимоий ҳаётида қуйидаги янги тамойилларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Инсонпарварлик. Замонавий фан ва техниканинг улкан ютуқлари сабабчиси инсон, шахсдир. Ҳозирги компьютерлар қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, барибир, уни яратган ва бошқараётган инсондир. XX аср тарихида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва барча тарихий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучга айланди. XX асрда шахснинг ўзи ҳам тубдан ўзгарди. Ялпи ўрта маълумот, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши инсоният умумий маданий даражасининг юксалишига ва унинг ўзига хос жиҳатларининг такомиллашувига олиб келди.

Демократлаштириш. Ялпи сайлаш ҳуқуқи ва инсон омилининг тарихий жараёнларга ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлиши жаҳон сиёсий ҳаётини ўзгартириб юборди. Халқ вакиллари сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошладилар, партия ва давлат, жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотлари раҳбарлигига келдилар. Улар айна пайтда кенг халқ оммасининг мафкурасини ҳам олиб келдилар. Улар айна пайтда кенг халқ оммасининг мафкурасини ҳам олиб келдилар. Давлатни бошқаришга йўл топган ижтимоий гуруҳлар доираси кенгайди, кенг халқ қатлаמידан чиққан профессионал

сиёсатчилар пайдо бўлди, оммавий ахборот воситаларининг сиёсий ҳаётга таъсири кучайди.

Глобаллашув. Биринчи жаҳон урушидан сўнг дунё иқтисодий ҳаётининг байналмилаллашуви тез суръатлар билан давом этди. Соф сиёсий ғоя сифатида пайдо бўлган Европани “Европа Қўшма Штатлари” шиори остида бирлаштириш, дунё иқтисодий ҳаётининг интеграцияси тараққиёт, халқаро иқтисодий ва мадани й алоқаларни кучайтириш ва чуқурлаштиришнинг ва муассасалар барпо этиш, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва илмий кооперацияни ривожлантиришга турки бермоқда. Интеграция аста-секин турли мамлакатлар иқтисодий тараққиётини бир-бирига яқинлаштириш ва тенглаштириш, ўзаро манфаатли савдо, иқтисодий ва валюта-хўжлик алоқаларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги пайтда мазкур жараён дунёвий миқёс касб этди ва раванқ топди.

Дунё иқтисодий ҳаётининг глобаллашуви муҳим ҳаётий ва миллий манфаатларга жавоб беради. Чунки у давлатларнинг дунё хўжалик жараёнига қўшилишига ва дунё технологияси, фани ва маданияти ютуқларидан фойдаланишга кўмаклашади. Шу муносабат билан Президенти И.Каримов шундай ёзади: “Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндашиши, юошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлар билан яқиндан қизиқиши, улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфаатларни ҳисобга олиш керак”.

XX асрда Европа мамлакатларининг очикдан-очик қарама-қаршилиги жаҳон харбий можаросига айланиб кетди. Кўпгина мамлакатларда бу ҳол биқиклик жараёнига, яъни жаҳондаги жараёнлардан четда туришни назарда тутувчи ёпиқ иқтисодий тараққиёт йўлига сабаб бўлди. Натижада улар дунё иқтисодиётидан ажралиб қолдилар. Мазкур мамлакатларда тоталитар, антидемократик тузумлар шаклланди, оғир иқтисодий қийинчиликлар юзага келди. Пировардида бундай мамлакатларнинг баъзилари харбий мағлубиятга учрадилар (Германия, Италия, Австрия, Туркия, Япония), бошқаларида эса синфий ва сиёсий фалокатлар рўй берди (собик СССР ва Шарқий Европадаги социалистик лагерь мамлакатлари).

Шу сабабли XX аср биринчи ярмининг асосий моҳияти демократиянинг тоталитаризм билан, инсонпарварликнинг фашизм

билан ва глобаллашувнинг айирмачилик билан курашишидан иборат бўлди.

XX аср воқеалари асосан шу тариқа кечди. Бу воқеалар бир текис ривожланмаган ва кечмаган, албатта, улар ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига, намоён бўлиш шаклларига эга эди. Энг янги тарих ва дунё сиёсати йигирманчи юзйилликда уларнинг таъсирига боғлиқ ҳолда уч босқичда ўтди. Булар қуйидагилардир:

1-босқич: 1914-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр. Унда дунёни қайта тақсимлаб олишга, янги дунё тарғиботи ўрнатишга йўналтирилган жаҳон мажоролари жуда кўп. Биринчи жаҳон уруши империалистик, яъни икки империалистик гуруҳ бошлаган босқинчилик уруши бўлди. У талончилик ва бузғунчилик уруши эди. шундай бўлса-да, бирча мамлакатларни қамраган демократик ҳаракат ривожланиши унинг натижасидир. Ушбу даврда мақсади демократик ислохатларни амалга ошириш бўлган умумдемократик характердаги кучлар юксалиши устунлик қилди. Капиталистик тизимнинг ҳам фашистик, таталитар лагерга бўлиб юборди. Иккинчи жаҳон уруши эндиликда биринчисига қараганда буткул бошқача характерда эди. у демократик лагерь томонидан умумдемократик характердаги, фашистик лагерлари томонидан эса тажовузкорлик, босқинчилик ва томончилик уруши эди. Иккинчи жаҳон урушида демократик давлатлар ғалаба қозондилар. Бу демократик кучларнинг умумжаҳон тарихи ахамиятга молик эди.

2 босқич. Совуқ уруш даври. 1946 йилдан 1991 йилгача, яъни иккинчи жаҳон уруши тугашидан то Соет Иттифоқи парчалангунга қадар кечган даврни ўз ичига олади. Бутун жаҳонда жамиятни инсонпарварлаштириш учун кураш кенг авж олди. Инсон ҳуқуқлари учун кураш, мустанлакаларни озод қилиш, ирқчиликка барҳам бериш, тоталитар ва мустанлака тузумларини тугатиш совуқ уруш даврининг асосий мазмунига айланди. У фақат ташқи жихатдан икки буюк давлат ёки икки тизимнинг тугаши учун умумжаҳон кураши эди.

3 босқич. Янги демократия даври. У Совет давлати парчалангандан сўнг бошланди ва глобаллашув жараёнларининг жаҳон миқёсида жадал илгарилаши билан тавсифланади. Глобаллашувни ривожлантириш йўлидаги охириги тўсиқлар қулаб тушади.

1-мавзу: I-II жаҳон уруши уртасидаги Европа Кириш.

Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи 91918-2007 йиллар) кишилиқ жамиятининг XVII аср 40-йилларидан бошланган янги тарихнинг давоми, умумий тарихни нг сўнгги, энг мураккаб ва энг муҳим қисмидир. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи 1918 йилдан ҳозирги вақтгача дунёда бўлган муҳим воқеаларни, социал иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни, жаҳон тарихий тараққиётининг асосий йўналишларини, жаҳон миқёсида юз бераётган зиддиятларни, озодлик кураши жараёнларини, жаҳон миқёсида юз бераётган зиддиятларни, озодлик кураши жараёнларини, социализмнинг инқирози сабаблари ва ундан кейинги ривожланиш тараққиёт босқичлари, шунингдек, 1918-2003 йиллар ичида содир бўлган халқаро муносабатлар муҳим хусусиятларини ўргатади.

Халқлар ҳаётида юз берган ва юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, халқаро муносабатлар ривожланишининг йўналишларини баён қилиш энг янги тарих фанининг муҳим вазифасидир.

Шунингдек, энг янги тарих уруш ва тинчлик муаммоларини, тинчлик учун кураш масалаларини, ташқи сиёсатдаги қарама-қарши йллар ва тендецияларини тушунтиради.

Энг янги тарих масалалари ғоятда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бунда синфлар, партиялар, оқимлар, турли нуқтаи назарлар курашади, ҳақиқат ва озодлик ва социал тараққиёт учун кураш масалалари турли мамлакатлар мисолида кенг ва чуқур гавдаланади.

Ҳозирги дунё мураккаб ва турфа хил. Бунда турли маданиятлар ёнма-ён яшайди ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Бутун дунё билан муваффақиятли муносабатларга киришиш, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд воқеликнинг муаммоларини чуқур билиш ва бу билимдан умум манфаати йўлида фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китобида дунё мамлакатлари билан тинч-тотув яшаш ва шундай ёзади: “Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгиланган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий

аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим”.

Инсоният XX асрда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётда улкан қадамлар ташлади. Асримизнинг 20-йилларида бошланган илмий-техникавий инқилоб ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Инсон тарихида биринчи марта очик фазога чиқди ва ойга қадам босди. Атом энергияси, инсон ирсияти соҳасидаги кайфият, электроника, фазовий телевидение, энг янги ҳаракат воситалари халқларнинг ўзаро муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга хали ҳал этилмаган бир талай муаммолар борки, уларни бартараф этиш учун инсоният ўз кучларини бирлаштириши лозим. Очлик ва қашшоқлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, оғир юқумли касалликларга қарши кураш ва ҳаёт даражасини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари учун кураш, халқаро ҳуқуқ мезонларини қарор топтириш шулар жумласидандир.

Илмий-техникавий инқилоб ва унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги кўриниши муҳим аҳамият касб этди, жаҳон ижтимоий ҳаётида қуйидаги янги тамойилларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Инсонпарварлик. Замонавий фан ва техниканинг улкан ютуқлари сабабчиси инсон, шахсдир. Ҳозирги компьютерлар қанчалик катта аҳамиятга эга бўлмасин, барибир, уни яратган ва бошқараётган инсондир. XX аср тарихида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва барча тарихий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучга айланди. XX асрда шахснинг ўзи ҳам тубдан ўзгарди. Ялпи ўрта маълумот, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши инсоният умумий маданий даражасининг юксалишига ва унинг ўзига хос жиҳатларининг такомиллашувига олиб келди.

Демократлаштириш. Ялпи сайлаш ҳуқуқи ва инсон омилининг тарихий жараёнларга ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлиши жаҳон сиёсий ҳаётини ўзгартириб юборди. Халқ вакиллари сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошладилар, партия ва давлат, жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотлари раҳбарлигига келдилар. Улар айна пайтда кенг халқ оммасининг мафкурасини ҳам олиб келдилар. Улар айна пайтда кенг халқ оммасининг мафкурасини ҳам олиб келдилар. Давлатни бошқаришга йўл топган ижтимоий гуруҳлар доираси кенгайди, кенг халқ қатлаמידан чиққан профессионал

сиёсатчилар пайдо бўлди, оммавий ахборот воситаларининг сиёсий ҳаётга таъсири кучайди.

Глобаллашув. Биринчи жаҳон урушидан сўнг дунё иқтисодий ҳаётининг байналмилаллашуви тез суръатлар билан давом этди. Соф сиёсий ғоя сифатида пайдо бўлган Европани “Европа Қўшма Штатлари” шиори остида бирлаштириш, дунё иқтисодий ҳаётининг интеграцияси тараққиёт, халқаро иқтисодий ва мадани й алоқаларни кучайтириш ва чуқурлаштиришнинг ва муассасалар барпо этиш, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва илмий кооперацияни ривожлантиришга турки бермоқда. Интеграция аста-секин турли мамлакатлар иқтисодий тараққиётини бир-бирига яқинлаштириш ва тенглаштириш, ўзаро манфаатли савдо, иқтисодий ва валюта-хўжлик алоқаларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги пайтда мазкур жараён дунёвий миқёс касб этди ва равақ топди.

Дунё иқтисодий ҳаётининг глобаллашуви муҳим ҳаётий ва миллий манфаатларга жавоб беради. Чунки у давлатларнинг дунё хўжалик жараёнига қўшилишига ва дунё технологияси, фани ва маданияти ютуқларидан фойдаланишга кўмаклашади. Шу муносабат билан Президенти И.Каримов шундай ёзади: “Миллий тафаккур ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндашиши, юошқа халқларнинг тақдири, уларнинг ўзаро муносабатлар билан яқиндан қизиқиши, улар ҳаётининг энг теран нуқталаригача кириб бориши, миллий манфаатларни ҳисобга олиш керак”.

XX асрда Европа мамлакатларининг очикдан-очик қарама-қаршилиги жаҳон харбий можаросига айланиб кетди. Кўпгина мамлакатларда бу ҳол биқиклик жараёнига, яъни жаҳондаги жараёнлардан четда туришни назарда тутувчи ёпиқ иқтисодий тараққиёт йўлига сабаб бўлди. Натижада улар дунё иқтисодиётидан ажралиб қолдилар. Мазкур мамлакатларда тоталитар, антидемократик тузумлар шаклланди, оғир иқтисодий қийинчиликлар юзага келди. Пировардида бундай мамлакатларнинг баъзилари харбий мағлубиятга учрадилар (Германия, Италия, Австрия, Туркия, Япония), бошқаларида эса синфий ва сиёсий фалокатлар рўй берди (собик СССР ва Шарқий Европадаги социалистик лагерь мамлакатлари).

Шу сабабли XX аср биринчи ярмининг асосий моҳияти демократиянинг тоталитаризм билан, инсонпарварликнинг фашизм

билан ва глобаллашувнинг айирмачилик билан курашишидан иборат бўлди.

XX аср воқеалари асосан шу тариқа кечди. Бу воқеалар бир текис ривожланмаган ва кечмаган, албатта, улар ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига, намоён бўлиш шаклларига эга эди. Энг янги тарих ва дунё сиёсати йигирманчи юзйилликда уларнинг таъсирига боғлиқ ҳолда уч босқичда ўтди. Булар қуйидагилардир:

1-босқич: 1914-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр. Унда дунёни қайта тақсимлаб олишга, янги дунё тарғиботи ўрнатишга йўналтирилган жаҳон мажоролари жуда кўп. Биринчи жаҳон уруши империалистик, яъни икки империалистик гуруҳ бошлаган босқинчилик уруши бўлди. У талончилик ва бузғунчилик уруши эди. шундай бўлса-да, бирча мамлакатларни қамраган демократик ҳаракат ривожланиши унинг натижасидир. Ушбу даврда мақсади демократик ислохатларни амалга ошириш бўлган умумдемократик характердаги кучлар юксалиши устунлик қилди. Капиталистик тизимнинг ҳам фашистик, таталитар лагерга бўлиб юборди. Иккинчи жаҳон уруши эндиликда биринчисига қараганда буткул бошқача характерда эди. у демократик лагерь томонидан умумдемократик характердаги, фашистик лагерлари томонидан эса тажовузкорлик, босқинчилик ва томончилик уруши эди. Иккинчи жаҳон урушида демократик давлатлар ғалаба қозондилар. Бу демократик кучларнинг умумжаҳон тарихи ахамиятга молик эди.

2 босқич. Совуқ уруш даври. 1946 йилдан 1991 йилгача, яъни иккинчи жаҳон уруши тугашидан то Соет Иттифоқи парчалангунга қадар кечган даврни ўз ичига олади. Бутун жаҳонда жамиятни инсонпарварлаштириш учун кураш кенг авж олди. Инсон ҳуқуқлари учун кураш, мустанлакаларни озод қилиш, ирқчиликка барҳам бериш, тоталитар ва мустанлака тузумларини тугатиш совуқ уруш даврининг асосий мазмунига айланди. У фақат ташқи жихатдан икки буюк давлат ёки икки тизимнинг тугаши учун умумжаҳон кураши эди.

3 босқич. Янги демократия даври. У Совет давлати парчалангандан сўнг бошланди ва глобаллашув жараёнларининг жаҳон миқёсида жадал илгарилаши билан тавсифланади. Глобаллашувни ривожлантириш йўлидаги охириги тўсиқлар қулаб тушади.

**1-мавзу: I-II жахон уруши уртасидаги Европа
мамлакатлари ва АКШ**
(4 соат маъруза).

Асосий саволлар:

1. I жахон уруши ниҳояси ва инсоният тарихида энг онгли даврнинг бошланиши.
2. 1918 йил куз фаслидаги Германия ва Австрия, Венгриядаги демократик инкилоблар ва уларнинг оқибатлари.
3. Европада 1918-23 йилларда халқаро муносабатлар.

Таянч тушунча ва иборалар: I жахон уруши, янги давр бошланиши, Германия, Австрия-Венгрия, демократия, инкилоб, Бавария, Роза Люксембург, Революцияга қарши фитна, Миллат мажлиси.

МАКСАД: I жахон уруши, унинг инсониятга етказган моддий, маънавий зарари ва унинг оқибатлари тугрисида талабаларга тушунча бериш, тарих саҳифаларида янги давр бошланишини сузлаб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. I жахон уруши ҳақида тушунча бериш, ниҳояси ҳақида сузлаб бериш.
2. Хар қандай уруш хар доим жаҳмиётга вайронагарчилик ва қашшоқлик келтиришини моҳиятини очиқ бериш.
3. Инсоният тарихида янги давр деб номланиши тушунчасини изоҳлаб беради.
4. Европада 1928-1923 йиллардаги халқаро муносабатларни нечоғлик эканлигини тушунтириб беради.

1-саволнинг баёни:

Биринчи жахон уруши тамом булгандан кейин орадан куп утмай голиб давлатлар кулга киритилган улжани булиб олишга интилдилар. 1919 йил 18 январда парижда сулх конференцияси очилди. Конференциянинг ишида 32 давлатнинг вакиллари қатнашди. Совет Россияси конференцияга таклиф этилмади. Етилган мамлакатларнинг вакиллари факат сулх шартномаларини имзолашга чақирилган эди, холос.

Императлистик матбуот, конференция ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлайди, деб инсониятни ишонтиришга уринди. Бирок, халқларнинг тақдири АКШ президенти Вильсон, Англия

бош министри Ллойд Жорж хамда Франция хукуматининг бошлиги Клемансо томонидан яширинча хал килинди.

Сулх конференцияси давомида кечагина иттифокчи булган давлатлар уртасида кескин ихтилофлар борлиги маълум булди. Урушда неча юз миллионлаб доллар бойликни талаб килди. Улар Вильсон нутклари оракали , АКШнинг жахонга "мънавий рахбарлик" хукуки бор, деб баён килдилар ва "очик эшиклар" принципини кенг куламда кулланилишини талаб этдилар. Европада Франция билан Англиянинг гегемон булиб олишига йул куймаслик максатида, Амеика делегацияси кучли милитаристик Германия саклаб қилинишини ёклаб чиқди. Вильсон бу билан АКШнинг Европадаги мавқеини мустақамлаб олишни, энг мухими эса- Совет Россиясига карши курашиш учун Германияни саклаб қилишни мулжаллаган эди.

Франциянинг Германияга нисбатан тарриториал даъволари муносабати билан Ллойд Жоржнинг билдирган эътирозларига жавобан Клемансо Британия бош министрига : "Галабадан кейин дархол Англия бизнинг душманимиз булиб қолди", деб таъна килди. Бунга Ллойд Жорж кулиб" Англиянинг анъанавий сиёсати ана шундан иборат эмасми?" деб жавоб кайтарди. Британия бош министри Америка президенти каби, герман империализмидан Советларга карши максадларда фойдаланишга умид қилган эди. Нихоят, голиб давлатлар рахбарлари сулх шартномаси лойихасини тузиб чиқишни узаро ён беришлар йули билан тугалладилар.

Франция Эльзас ва Лотарингияни зига кайтариб олди. Саар области 15 йил муддатда миллатлар Иттифоқи бошқарувига берилди, кумир хавзасининг шахталари эса, Франция мулки булиб қолди. Германия Польшанинг мустақиллигини тан олди. Бир пайтлар Пруссия босиб олган Польша ерларини - Познанни, Юкори Силезиянинг бир қисмини, Шаркий Пруссиянинг айрим районларини унга берди. Польша Шаркий Поморъени олди ва натижада Балтика денгизига бевосита чиқиш имкониятига эга булди. Бундан ташқари, Германия узинингг хамма мустамлақаларидан махрум булди.

Шартнома Германия зиммасига репарация тулаш мажбуриятини юклади. Голиблар конференция вақтида репарация туловларининг миқдори хақида хам, улардан хар бирига канчадан улуш тегиши борасида хам бир битимга қелиша олмадилар.

Германияда умумий харбий мажбурият бекор килинадиган булди. Унинг сув ости флотига, катта харбий кемаларга, танк кушилмаларига ва харбий авиацияга эга булиши таъкикланди. Рейн зонаси, яъни Рейннинг сул сохили буйидаги 50 км. кенгликдаи ер - демилитаризация зонаси деб эълон килинди.

Бирок, Версаль шартномаси Германия империализми негизларига дахл килмади. Германиянинг харбий саноат патенциали тугатилмади, балки чеклаб куйилди, холос. Сул шартномасининг харбий моддаларини мухокама килиш вақтида Вильсон, Германияга "ички тартибни саклаш ва большевизмни бугиб ташлаш учун" зарур даражада армия колдириш керак Армиянинг сони 100 минг кишидан иборат килиб белгиланди, улар факат кунгиллилардан олиниси лозим эди. Версаль шартномасини яратувчилар, шу тарика, Совет Россиясига карши кураш олиб бориши мумкин булган герман милитаризмининг кайтадан тикланиши учун кулай шароит яратиб бердилар.

Назорат топшириклари:

1. 1 жахон уруши ниҳояси тугрисида нималар биласиз?
2. Кайси даврдан инсоният тарихида энг янги давр бошланди?
3. Россиядаги октябрь воқеалари Гарб мамлакатларида кандай таъсир курсатди?
4. 1917 йил Россияда кандай воқеалар содир булди?

2 - асосий савол:

1918 йил куз фаслидаги Германия ва Австрия-Венгриядаги демократик инкилоблар ва уларнинг оқибатлари.

МАКСАД: Октябрь инкилобларидан сунг Европа давлатларида сиёсий ахволни, шунингдек 1918 йил куз фаслидаги Германия ва Австрия_Венгриядаги воқеаларни талабалар диққатига етказиш.

Идентив укув максадлари:

1. Германия ва австрия_Венгрия давлатлари хақида тушунтириб бериш.
2. 1918 йил Германия ва Австрия-Венгриядаги демократик инкилоблари ахамиятини изохлаш.
3. Демократик инкилобларни жамиятга булган маънавий ва моддий таъсири ва унинг оқибатларни асл моҳиятини очиб беради.

2 - савол баёни:

Германиянинг урушда мағлубиятга учраши муқаррар эди. Хукмрон доиралар ютказиб куйилган урушдан камрок зарар куриш

билан чиқишни таъминлайдиган йулларни излаётган эди. Хукумат ичида етилиб келаётган революциянинг олдини олиш чоратадбирларини куриш тугрисида бахслар авж олиб кетди. "Юкори табакалар" инкирози бошланди. Кайзер хукумати сиёсий узгаришлар килишга уринаётган булиб куринишга харакат киларди. "Либерал хукумат" деб аталаётган хукуматнинг янги составига социал-демократлар хам жалб килинди. Монархияни саклаб колиш тарфдори булган Шейдеман министрлардан бири булди.

Бирок сиёсий мугамбирлик билан халк оммасини алдашнинг таъсири остида халк оммасининг норозилиги тухтовсиз усиб борди. "Куйи табакалар" эскича чшашни истамс эди. Импералистик урушни фукоролар урушига айлантиришдан иборат большевиклар шиори Германия учун алохида ахамиятга эга эди. Мехнаткашлар дархол сулх тузишни ва монархиянинг тугатилишини талаб килдилар.

"Спартакчилар" узлари чикарган варакаларда немис ишчиларини рус биродарларидан уртак олишга, шиддатли революцион кураш билан уз хукукларини кулга киритишга чакирдилар. "Спартак" группаси халк революцияси программасини илгари сурди. Бу программа урушни дархол тухтатишни, демократик тартиблар урнатилишини, монополиячилар ва помещиклар хокимиятини тугатишни назарда тутарди.

Революция 1918 йил 3 ноябрда бошланди. Урушнинг давом этишига карши чиккан Киль шахрининг харбий денгизчилари кузголон кутардилар. Киль ишчилари кузголонни куллаб кувватлаб, умумий иш ташлаш эълон килдилар. Шахарда ишчилар ва солдатлар Совети ташкил этилди. Революция тезда бутун Германияга ёйилди, кирол ва князь сулоалари хокимиятини тугатди. Мамлакатнинг хамма жойларида ишчи ва солдат Советлари пайдо була бошлади.

"Спартак" группаси ва фабрика - завод революцион старосталари чакириги билан Берлин ишчилари 9 ноябрь ялпи иш ташлаш бошладилар, у тезда куролли кузголонга айланиб кетди. Кизил байроқлар кутарган юз минглаб ишчилар шахар марказига, казармалар ва хукумат муассасалари томон юрдилар. Намойишчилар "Йуколсин уруш!", "Йуколсин кайзер!" деб хитоб килдилар. Ишчилар билан бирга кушилган солдатлар биргаликда хукумат деворларини босиб олдилар ва республика эълон килинишини талаб килдилар. Бу хол Шейдеманни рейхстаг

деразасидан туриб сузлаган нуткини: "Яшасин эркин германия республикаси!" деган сузлар билан тугатишга мажбур этди. Орадан икки соат утгандан кейин К.Либкнехт император саройи балконида туриб Германияни социалистик республика деб эълон килди ва ишчиларни пролетар давлати тузишга чакирди. 1919 йилнинг ёзида уз составига кура, буржуача булган ва Веймер шахрида йигилиш утказилган Таъсис мажлиси конституция кабул килди. Уни купинча Веймар республикаси деб аташарди. Конституция суз эркинлиги, йигилишлар утказиш, иттифоклар тузиш, матбуот эркинлиги, эркаклар ва аёллар учун умумий хамда тенг сайлов хукукини расман ва тантанали равишда эълон килди.

Революция натижасида юнкерлар хукумати блокадаги хукмронлик таъсиридан махрум булди. Юнкерлар-буржуа империализми буржуа-юнкерлар империализмига айланди, ярим абсолют монархия урнига буржуа-парламент республикаси урнатилди. Республика президенти конституция буйича катта ваколатларга, шу жумладан, мамлакатда фавкулодда холат жорий этиш хукукига эга булди.

Назорат топшириклари:

1. 1918 йилларда Германия ва Австрия_Венгриядаги сиёсий ахволни аниклаш.

2. 1918 йил куз фаслида Германия ва Австрия-Венгриядаги демократик инкилобларнинг содир булишининг асл сабабларини курсатинг?

3. Демократик инкилобларнинг натифаси ва окибатларини очиб беринг?

4. Германия ва Австрия-Венгрия демократик инкилобларнинг бошка давлатларга таъсирини тушунтириб беринг?

3-асосий савол:

Европада 1918-23 йилларда халқаро муносабатлар.

МАКСАД: Талабаларга асримизнинг 18-23 йилларида Европадаги халқаро муносабатларни ахволи, булиб турган мухим воқеалар ва саналар хақида сузлаб бериш, инкилобий харакатларни бостирилиши, иктисодий инкирознинг бошланиши сабабларини очиб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. Европада 1918-23 йилларда ги халқаро муносабатлардаги энг мухим воқеаларда хабардор булади.

2. Халқаро муносабатларни кескинлашувида ва бир қатор демократик инқилобларни юз беришида қандай омиллар сабаб булганини билади.

3. Европада 1918-23 йиллар узининг қандай халқаро воқеалари билан танилганлигини айтиб беради.

3-савол баёни:

Германия билан тузилган шартномадан ташқари, унинг собиқ иттифокчилари Австрия, Венгрия, Болгария ва туркия билан ҳам шартномалар имзоланди. Ана шу шартномаларнинг ҳаммаси бирга қушилиб, Версаль системасини ташкил этди ва бу система урушдан кейинги капиталистик дунёда халқаро муносабатлар тартибини белгилайдиган бўлди.

Версаль системаси империалистик давлатлар уртасидаги зиддиятларни бартараф қила олмадилар. Буюк давлатлар томонидан амалга оширилган ва енгилган мамлакатлар билан тузилган шартномаларда қайд қилинган дунёнинг янгидан тақсимланиши муваққат ҳарактерга эга эди. Версаль сулҳи енгилган давлатлар билан енгилган давлатлар уртасида зиддиятлар келтириб чиқарди. Голиблар лагерида ҳар узаро рақобат қучайди. Париж конференциясининг қарорлари Америка монополияларининг даъволарини қонирмади, талаб олинган улжаларни тақсимлаш уларнинг фойдасига ҳал бўлмади.

Голиб давлатлар уртасидаги қураш кескин тус олган бир вазиятда собиқ немис мустамлақалари ва Усмонийлар империяси ерларининг тақдири ҳал қилинди. АКШ президенти Вудро Вильсондан "турк мероси" тугрисидаги музоқаралар қандай борапти, деб сурашганда, импералитслар Германиянинг собиқ мустамлақаларини ва Туркия мулкларини очикдан-очик босиб олишга журъат этолмадилар. Гуё мустамлақаларнинг халқлари экономика ва сиёсий ҳаётда мил суратда раҳбарлик қила олмадилар деб уйлаб чиқарилган баҳона билан устидан Миллатлар Иттифоқи орқали мандат системаси деб аталган восийлик урнатилган.

Франция Сурияга, Ливанга, Того ва Камеруннинг бир қисмига булган мандатларни олди. Германиянинг баъзи мустамлақалари Англия доминонлари идора қиладиган бўлди; Японияга Маршал ороллари, Мария ороллари ва Маржон ороллари ҳамда Шаньдунга эгалик қилиш ҳуқуқи берилди. Картадан 4-альбомга қаранг. Америка дипломатиясининг ташаббуси билан 1921-1922

йилларда Вашингтонда конференция утказилиб, унинг боришида учун анча кулайроқ булган нисбатини вужудга келтиришга интилди.

АКШ ҳукумати иккиюзламачилик билан "очик эшиклар" ва "баравар имкониятлар" принципининг тарафдори булиб майдонга чиқди. Давлатлар Хитой билан узларининг узаро муносабатларини ана шу принцип асосида куриш ва бунда ноиенг шартномалар системасини саклаб қолишга келишиб олдилар. Шундай қилиб, империалистик давлатларнинг Хитойни биргаликда танлаш тугрисидаги битими Японияни бир мунча вақт уларнинг фойдасига хизмат қилишга мажбур этди.

Вашингтон битимлари буюк Тиня океани давлати булган Совет Россиясининг иштрокисиз қабул қилинди., уни конференцияга тақилиф этишмади. Бу қарорлар ҳам Хитой халқининг озодлик ҳаракатига қарши, ҳам Совет давлатига қарши қаратилган эди. Тиня океан ҳавзасидаги империалистик давлатлар уртасидаги зиддиятларни конференция йук қила олмади, балки вақтинча сал пасайтирди.

Назорат топшириқлари:

1. Европадаги қандай воқеалар 1918-29 йиллар халқаро муносабатларда уз аксини топган?

2. Бу йилдаги халқаро муносабатларни аҳволи ва унинг оқибатлари қай даражада булди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нуриддинов З.Р. Гарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917-1939) Т.1963 й.

2. Энг янги тарих I қисм Т. 1995. В.К. Фураев.

3. Сиёсий партиялар -Спаровочник Т. 1968.

4. В.Л. Мальков ,Ф.Рузвельт "Проблемы внутренней и политики и дипломатии.М1988.

2-мавзу: Англия 1918-1939 йилларда (4 саот маъруза)

Асосий саволлар:

1. 1918-24 йилларда Англиянинг ички ва ташқи сиёсати.
2. Жаҳон иқтисодий инкирози йилларида Англия.
3. Англияда лейбористлар ҳукумати ташкил топиши.
4. II жаҳон уруши арафасида Англия.

Таянч тушунча ва иборалар: сиёсат, ички ва ташқи сиёсат, Буюк Британия, корхона эгаси, Макдоналд, Лейбористлар, ҳукумат, иш ташлаш, озчилик характери, консуватор, партия, Миллий ҳукумат, II жаҳон уруши, Годри Политни, дипломатик алоқалар, Колинтерн хати, Москва диретиваси.

1-асосий савол:

1918-1924 йилларда Англиянинг ички ва ташқи сиёсати.

МАКСАД: Буюк Британия давлатининг 1918-24 йиллардаги ички ва ташқи сиёсатининг асосий томонларини еритиб бериш, ушбу йилларда булиб утган воқеаларни еритиш ва талабаларга уларни ижобий, салбий томонларини тушунтириш, уларда бу даврга нисбатан билим даражаларини ошириш.

Идентив укув максадлари:

1. Англия давлати хақида тулик маълумотга эга булади.
2. Англиянинг 1918-24 йиллардаги ички сиёсатини моҳиятини англаб етади.
3. Англиянинг ташқи сиёсатини ушбу йиллардаги устивор йуналишлар билан таккослайди.

1 - савол баёни:

Буюк Британия экономикаси 1922-1923 йиллардаги тургунлик ҳолатидан чиқиб, секинлик билан ривожланаётган эди. Саноат факат 1913 йил курсатгичларига эришди. Агар саноатнинг янги тармоқлари (машинасозлик, химия, автомобиль саноати) интенсив ривожланаётган бўлса, эски тармоқларда (кумир, кемасозлик, туқимачилик ва бошқалар) техникавий қолоқлик билан жаҳон бозоридаги рақобат қурашида қатта қийинчиликларни бошдан кечираётган эди. Британия корхона эгалри уз молларининг рақобатга бардошлилигини ошириш учун янги-янги йирик монополистик бирлашмалар ташкил этишди.

Барқарорлашув даврининг охирига келиб чет элларга қуйилган капитал маблағларнинг урушдан олдинги даражаси тикланди.

Британия бошка мамлакатларга куйилган капиталнинг умумий микдори ва капиталдан олинган даромад буйича биринчи уринни саклаб келарди. Мустамлакалар ва карам мустамлакаларнинг миллий ресурсларини вахшийларча талон-тарож килиш ҳамда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йули билан ишчилар синфини эксплуатация килиш даражасини кучайтириш ҳукмрон синфлар бойишининг муҳим манбалари булди. Буржуазиянинг меҳнаткашлар турмуш даражасига ҳужум килиши синфий курашнинг янгидан юксалишига сабаб булди.

Консерваторлар сиёсати фақат ички ишлардагина ута реакцион булиб қолгани йук. Британия ҳукумати бир қанча купол антисовет игвогарликларини амалга ошириб, 1927 йилнинг май ойида СССР билан дипломатия алоқаларини бир томонлама узди.

Буюк Британия халқаро аҳолининг ёмонлашуви кабинетни қуролланиш программасини қабул қилишга ва ҳарбий харажатларни қупайтиришга ундайди. Бирок, бу тадбирлар Германиядан урناق олиб амалга оширилаётган эди, чунки Чемберлен у билан антисовет битимларини тузишга эришиш учун эркинлик олишни истар эди. Халқ оммаси агрессорларни иловлаб қуйишни, европада коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтиришни, Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилашни тобора қатъийроқ талаб қилди. Ишчилар синфининг бирлиги учун украш олиб бораётган Компартия бир неча марта лейбористлар партиясига мурожаат қилиб, унинг сафига коллектив аъзо булиш қиришни таклиф қилди, лекин лейбористлар раҳбарлиги коммунистнинг ҳамкорлик қилиш тугрисидаги барча таклифларини рад этди. Лейбористлар партиясини ва тред-юнионлар реформист раҳбарларининг қаршилик қурсатиши натижасида Британия оролларида ягона ишчилар фронти тузилмади.

Чемберлен ҳукуматининг сиёсати фақат демократик қучларнинг эмас, балки ҳукмрон партия бир қанча арбобларининг ҳам норозилигига сабаб булди. Бу сиёсат иккинчи жаҳон урушининг бошлаб юборилишига ёрдам берди ва мамлакат халқ оммасини оғир синовларга дучор қилди.

Назорат топшириқлари:

1. Буюк Британия ҳақида нималарни биласиз?
2. Давлат ички ва ташқи сиёсати деганда нимани тушунасиз?

3. Англиянинг 1918-24 йиллардаги ички сиёсатига кандай баҳо берасиз?

4. Англиянинг ташки сиёсати кандай муҳим жihatлардан иборат булди?

5. Англиянинг 1918-24 йиллардаги ички ва ташки сиёсатини омма кандай кутиб олди?

2-асосий савол:

Жаҳон иқтисодий инкирози йилларида Англия.

МАКСАД: Жаҳон иқтисодий инкирози йилларида Англиянинг ахволи, иқтисодий қуршлар, иш ташлашлар, саноатдаги танглик, ҳукумат хатти-харакатлари тугрисидаги талабларга тушунча бериш ва билимларини ошириш.

Идентив укув мақсадлари:

1. Жаҳон кризиси даврида Европа давлатларнинг иқтисодий ва маънавий ахволини тушунтириб беради.

2. Англиянинг бу иқтисодий кризис давридаги ҳолатини изоҳлаб беради.

3. Жаҳон иқтисодий кризиси даврида инглиз ишчиларининг фаол ҳаракатини баён қилади.

4. Жаҳон иқтисодий кризисни Англияга таъсирини аниқлайди.

2-савол баёни:

1930 йилнинг бошларида Буюк Юритания иқтисодий кризис камраб олди. АКШ, Германия ва Францияга нисбатан мамлакатдаги саноат ишлаб чиқариши унчалик қисқармади, чунки Британия экономикаси барқарорлашув йилларида "равнак" топмаган эди. Саноатнинг анъанавий тармоқлари ҳаммадан қисқарди. Экспорт икки баравар қисқарди. Экономиканинг тушуклиги халқ оммасининг турмуш даражасига оғир таъсир қилди. Кризис авжига чиққан бир пайтда хар турт меҳнатқашнинг бири ишга эмас эди.

Лейбористлар ички сиёсат соҳасида узларининг сайлов олдидан берган ваъдаларидан бир қанчасини бажармадилар. Аксинча, улар қорхона эгаларига ишчиларнинг иш ҳаққини қайтаришда ёрдам бердилар, бундан мақсад фойданинг қайтарилишини тухтатиб қилиш эди. Ҳукумат ишсизларга бериладиган нафақаларни қайтаришда, шахталарда 7 соатлик иш қилишга қайта тикланмади. Лейбористлар қасаба союзларига қарши қаратилган қонунни қайтариб олдилар. Ҳукумат ва монополияларнинг реакция сиёсати

стачкалар, намойишлар, ишсизларнинг "очлик юришлари" янги тулкинни авж олдирди.

Йирик буржуазия ишчиларнинг турмуш даражасига янада хужум қилиш йули билан кризисдан чиқшни кабинетдан талаб қилди. Бу ҳол кенг й норозилик ҳаракатига сабаб бўлди. Ҳукуматда ихтилоф руй берди, шундан кейин кабинет истеъфога чиқди.

Назорат топшириклари:

1. Жаҳон иқтисодий кризиси ҳақида нималарни биласиз?
2. Англияда жаҳон иқтисодий кризисини таъсири қандай бўлди?
3. Бу кризис даврида ҳукумат қандай тадбирларни амалга оширди?
4. Ишчилар синфига иқтисодий кризис қандай таъсир қурсатди?

3-асосий савол:

Англияда лейбористлар ҳукуматини ташкил топиши.

МАКСАД: Англияда 1924 йилда биринчи бор лейбористлар ҳукуматини ташкил топиши ва уни ахамиятин, улар олиб борган сиёсатни тулик очиб бериш ва талабаларга сабаб ва оқибатлари ҳақида айтиб бериш.

Идентив укув максдалари:

1. Англия лейбористлар ҳукумати ҳақида айтиб беради.
2. Лейбористлар ҳукумати тузилиши палласида жамиятдаги ахволни очиб беради.
3. Лейбористлар ҳукумати амалга оширган ишларни ҳақида маълумотга эга бўлади.

3-савол баёни:

Лейбористлар кабинети қуролли қучларни мустаҳкамлади. У мустамлакалар ва қарам мамлакатларда олдинги буржуа ҳукуматларининг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган йулини давом эттирди.

Халқ оммасининг тазйики остида лейбористлар ҳукумати Совет Иттифоқини тан олди ва у билан дипломатия муносабатлари урнатди. Бирок, лейбористлар кабинети икки томонлама муносабатларни нормаллаштириш жараёнига тускинлик қилди.

Лейбористлар утказган сиёсат меҳнатқашларнинг ҳафсаласини пир қилди. Ҳукумат омма орасида уз таъсирини янада заифлашувидан чууиб, 1924 йилнинг октябрида парламентни тарқатиб юборди ва янги сайлов утказишни белгилади.

Консерваторлар галабага эришиш учун сайловларни "кизиллар" хавфи билан куркитиш йулига утдилар. Сайлов арафасидла сохта антисовет мактуби-"Комитерн хати" деб атаган мактуб эълон килинди, унда гуё мамлакатда куролли кузголон тайёрлаш тугрисида инглиз коммунистларига "Москва директиваси" бор эмиш. Парламент уринларнинг мутлак купчилигини олган консерваторлар хукумат туздилар.

Косерваторлар сиёсатини утказган "миллий хукумат" меҳнаткашларига хужум килишни кучайтирди."Мухтожликни текшириш" никоби остида ишсизларнинг нафакалари тагин ҳам купрок мамлакатда ишсизларнинг харакати орта борди. Бу харакат нафакаларни тиклаш ва ишчиларга карши каратилган конунларни бекор килиш шиорлари остида утди. Корхоналарда стачка кураши авж олиб кетди. Сул кучларнинг касаба союзларидаги таъсири ортди. Гарри Политни бош секретарь колиб сайланган компартия омма орасида, асосан ишсизлар орасида ишлашни кенгайтиришни давом эттирди.

Хукумат аста-секин буржуа-демократик эркинликларни чеклаб борди. "Исён кутаришаг кизиктириш тугрисида" конун кабул килинди. Унда урушга карши таргибот килганлик учун каттик жазолар курилиши кузда тутилди. 30-йилларнинг урталарида Британия фашистлар иттифокининг фаолияти кучайиб кетди. Бирок, Ангияда фашиястлар оммавий социал базаси йук эди, герман фашистлари эса холнаварон булган майда буржуалардан иборат бундай базага эга эдилар. Монополистлар буржуазиясининг асосий группалари анънавий парламент темасидан воз кечиши ва мамлакатни идора килишда фашистларнинг ёрдамига тьянишни зарур деб билмадилар. Ишчилар иснфи ва компартия фашистларга катъий зарба бердилар ва уларни ёлгизлаб куйишга ёрдам бердилар.

Хукуматнинг кайта тузилиши натижасида хокимият яна консерваторлар куоига утди. 1937 йилда Невил Чемберлен кабинет болиги булди. У уртача кобилиятга эга булиб, аристократлардан келиб чикканлиги ва оилавий алокалари туфайлигина бу лавозимни эгаллаган эди. Консерваторлар мамлакатичкарасидаги унг кучларни рагбатлантириш сиёсатини утказдилар. Улар фашиятлар Германиясининг юкори табакалари билан тил бириктириш йули билан инглиз-герман империалистлари уртасидаги зиддиятларни бошка мамлакатлар хисобига умид боглаган эдилар.

Назорат топшириклари:

1. Лейбористлар ҳукумати ташкил топган давр хақида нималарни биласиз?
2. Лейбористлар ҳукумати ташкил топишининг шарт-шароитларини аниқлаб беринг?
3. Ушбу ҳукумат қандай иқтисодий сиёсат олиб борди?

4-асосий савол:

II жаҳон уруши арафасида Англия.

МАКСАД: II жаҳон уруши арафасида Англия давлатининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, у олиб борган ички ва ташқи сиёсатини очиқ бериш, уруш арафасида Европа давлатларига Англия ташқи сиёсатининг таъсирини ва совет-инглиз муносабатларини тушунтириб бериш.

Идентив уқув мақсадлари:

1. II жаҳон уруши арафасида Англия давлати тугрисида сузлаб беради.
2. Европа давлатлари билан Англия муносабатларини аниқлайди.
3. Уруш арафасида инглиз-совет муносабатларини курсатиб беради.

4-савол баёни:

Ҳокимият тепасига келган консерваторлар кабинети ишчилари синфига қарши ҳужумни уюштиришда буржуазияни батамом қуллаб-қувватладилар. Чуқур кризисни бошидан кечираётган сқумир саноатида кескин низо келиб чикди. Шахта эгалари кумирнинг юқори таннархини пасайтиришдан ва ташқи бозорларга унинг рақобатга бардош беришидан манфаатдор эилар. Бирок, улар бунга эскириб қолган асбо-усқуналарни алмаштириш йули билан эмас, балки ишчиларнинг иш хақини қисқартириш хисобига эришишни истар эдилар.

1925 йилнинг ёзида шахта эгалари қончиларга ультиматум шартларини эълон қилдилар. Агар қончилар ва иш қунининг узайтирилишига рози булмасалар, Лоқаут утқазамиз, деб дук-пуписа қилдилар. Қончилар федерацияси бунга рад жавобини бердилар. Уни темир йулчилар, транспортчилар ва машинасозлар иттифоклари қуллаб қувватладилар. Ишчиларнинг бирлашган фронти олдида кумир саноатларининг чеқинишларига тугри қелди. Ҳуқуқмат шахталарининг эгаларига қончиларнинг илгариги иш хақи даражасини таъминлаш учун тугқиз ой мобайнида қарз тулаб

туриш мажбуриятини олди. Локаутни барбод килган ишчиларнинг галабага эришган куни "кизил жума" деган ном олди.

Бирок, низо хал булгани йук. Корхона эгалари билан хукумат янги синфий жангга тайёргарлик курдилар, борди-ю ишчилар курашсиз чекинмасалар, уларни куч билан тор-мор келтиришга умид боғладилар. Компартия меҳнаткашлар оммасинини шу омма турмуш даражасини пасайтиришга интилаётган буржуазияга кескин зарба беришга чакирди. Тред-юнионларнинг реформист раҳбарларига оппозицияда турган 1 млн.га яқин ишчини бирлаштирган "озчилик хараати" коммунистларнинг таклифини куллаб-куватлади. Бирок, Британия тред-юнионлар конгрессининг Бош кенгаши келишувчилик позициясида туриб, музокаралар олиб бориш йули оркали хукумат билан муроса-ю мадорв килишга интилди.

Шхата эгалари туккиз ойлик муддат утгач, локаут эълон килдилар, чунки кончилар уларнинг шартларини яна рад килган эдилар. Хукумат мамлакатда фавкулодда холат жорий этди. Ишчиларнинг курашдаги катъияти Бош кенгашни умумий иш ташлаш эълон килишга мажбур этди.

Назорат топшириклари:

1. II жахон уруши арафасида Англиянинг ахволини сузлаб беринг?
2. Гарбий Европа ва Англиянинг "глоти уруш" сиёсатини биласизми?
3. Уруш арафасидаги Мюнхен шартномасига баҳо беринг?
4. II жахон уруши арафасида инглиз-совет муносабатлари нималардан иборат эди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Г. Трухановский Антони Иден М., 1976 й.
2. И.Н. Рузвельт, Черчилль и второй фронт. М., 1965.
3. Энг янги тарих Фураев В.К. Т., 1995.
4. Сиёсий партиялар тарихи Спаровчник. Т., 1968.
5. Яқин ва урта Шарк мамлакатлари. Басистая Ю.И. Т., 1960.
6. В.Л. Малькая, Ф.Рузвельт "Проблемы внутренней политики и дипломатии" М., 1988.

3-мавзу: Германия 1918-1939 йилларда

(2 соат маъруза)

Асосий саволлар:

1. Германияда харбий саноат тенденцияси ва ривожланишнинг кучайиши.
2. Германияда иктисодий кризис.
3. Фашистлар диктатурасининг урнатилиши ва герман фашизмнинг сиёсати.
- 4.

Таянч иборалар ва тушунчалар: Германия, харбий саноат, потенциал, ривожланиш, иктисодий кризис, фазим, неофашизм, диктатура, Шаркка юриш, монополия, оппортунистлар, Кизил фронтчилар иттифоки,, национал-социалистлар, Лейпциг процесси, лирос хаандонлари.

1-асосий савол:

Германияда харбий саноат тенденцияси ва ривожланишнинг кучайиши.

МАКСАД: Германия давлати унинг узига хос хусуусиятлари ва 30-йиллар бошига келиб герман харбий-саноат потенциалининг узишини кесикн ортиши, шунингдек ривожланиш даражасининг кучайиши, уни сабаб ва шароитлари хакида сузлаб уларни мохиятини очиб бериш.

Идентив укув максасалри:

1. Германияда ривожланишнинг вақтинча стабиллашуви йилларини сабабларини изохлайди.
2. Германия харбий саноати потенциалини тикланишдаги асосий шартларини тушунтириб беради
3. Германия давлатининг (1918-39) ички сиёсати тамойиллари нималардан иборат эканлигини тушуниб етади.

1-савол баёни:

1918-1923 йилларда мамлакатни ларзага солган революцион жанглар буржуа тузумининг бир қадар мустахкамланиши даври билан алмашинди. Унг социал-демократлар Германия олдида иктисодий ва сиёсий тараккиёт йули очилди, деб ишчиларнинг купчилигини ишонтира олдилар. Улар рейхстагда социал-демократиянинг мавқеи мустахкамланиб борган сари, у меҳнатқашларнинг манфаатларини тобора купрок химоя қила олади ва капиталистик эксплуатацияни чеклай олади, деб даъво қилдилар. Синфий зиддиятларнинг юмшаганлиги хақидаги хом-хаёлларнинг тарқалишига асноат ва кишлок хужалигининг юксалганлигига ёрдам беради.

Бу юксалиш иш хақининг усиши билан бирга борди. Германия экономикасининг қисман стабиллашуви бошқа капиталистик мамлакатларга қараганда анча заиф асосга эга эди, чунки унинг асосий манбаларидан бири чет эл капиталининг, асосан АКШ ва Буюк Британия капиталининг оқиб келиши эди. АКШ ва англия импералистлари узлари қуйган маблағлардан ортиқча фойда олишдан ташқари Германиянинг харбий-саноат потенциалини тиклашга ҳам ёрдам бердилар. Немис монополиялари учун қулай булган репарация масаласининг хал қилиниши ҳам бу режаларга мувофиқ келарди. 1924-1931 йилларда репарациялар хисобига 11 млрд. Марка тулаган Германия уз экономикасига 26 млрд. марка микдорида қарз ва бевосита капитал маблағлар олди.

АКШ ва Буюк британия томонидан герман имперализмига молиявий-иктисодий ёрдам берилиши анча узокни кузловчи муҳими-Германияни СССРга қарши қурашиш учун асосий қуролга айлантириш эди.

Чет эл қарзларининг узига хос "олтин ёмғир"дан немис капиталистлари индустрияни модернизация қилиш учун фойдаландилар. Германияда янги қудратли монополиялар - узига деярли бутун химия саноатини буйсундирган. "Фарбен-индустрия" "Пулат трести" ва ҳақозолар вужудга келди. Уларнинг ёрдами билан мамлакатда куп сонли милитаристик ташкилотлар пайдо булди. Голландия, Швейцария, Испания ва бошқа мамлакатларда немис монополиялари назоратида булган қорхоналарда Германия учун харбий самолётлар ва сувости кемалари қурилди.

Орадан куп утмай ер эгалари булган собик немис князлари революция вақтида мусодара қилинган ерлар, урмонлар, банқлари

кийматини кайтариб беришни талаб килдилар. Бу даъволар демократик доираларда чукур газаб уйготди. ГСДП рахбарлиги омманинг тазйики остида референдум утказишга рози булди, бу референдум давомида 14,5 млн. сайловчи князлар мулкани тула-тукис экспроприация килишни ёклаб овоз берди. Референдум сул кучлар харакатлари бирлиги жуда катта имкониятларга эга эканлигини курсатди.

ГСДП реакциянинг хужум килиш хавфи ортиб бораётган билан хисоблашмай, стабиллашув йилларида ишлаб чиқаришнинг юксалганлиги "уюшган капитализм" даврининг бошланганлигидан ва хатто мамлакатни социализм томон ривожланаётганлигидан далолат беради, деб ишчиларни ишонтирди. Купчилик ишчилар бу гапларга ишонч билан карадилар. 1928 йилда рейхстагга утказилган сайловда ГСДП 9 млн.дан ортик овоз олди. Буржуа партияларининг вакиллари иштирок этган коалицион ҳукуматга унл социал-демократ бошчилик килди. Бирок ГСДП нинг рахбарлари "социал сулх"га эриша олмадилар.

Германиянинг сиёсатида реакция, милитаризм, антисовет йулнинг умумий кучайиши ГКП томонидан доимий зарбага учраб турди. Компартиянинг позициясини ва унинг ишчилари синфи бирлиги учун курашини барбод килиш максатида социал-демократиянинг унл рахбарлари огир жиноят килдилар: полицей-президент, ГСДПнинг таникли арбоби буйруги билан 1929 йил 1 май куни Берлин полицияси ГКП томонидан уюштирилган оммавий ишчилар намоишига хужум килди. Куча тукнашувлари руй берди. Берлиннинг бир неча районларида баррикадалар пайдо булди. Ишчилар орасида улдирилганлар ва ярадор булганлар бор эди.

Назорат топшириклари:

1. Германиянинг урушдан олдинги харбий-саноат потенциали хакида нималарни биласиз?
2. Немис харбий-саноат потенциалининг ва ривожланишининг асосий сабаблари нималардан иборат?
3. Германия давлатининг (1918-39) ички сиёсати тамойиллари нималардан иборат?

2-асосий савол:

Германияда иктисодий кризис.

МАКСАД: Жахон давлатларида юз берган каби Германияда ҳам келиб чиккан ва 1929 йилдан бошлаб уз таъсирини курсатган иктисодий кризисни келиб чикиш сабабларини тушунтириш ва унинг окибатларига бахо бериш.

Идентив укув максадлари:

1. Иктисодий кризис тушунчасини изохлаб беради.
2. Германияда иктисодий кризис асосий сабаблар нималардан иборатлигини курсатиб беради.
3. Германия иктисодий кризисни мамлакат ишчилар синфи таъсирини аниклайди.

2-савол баёни:

129 йилнинг охирида бошланган жахон иктисодий кризиси Германияда анча кучли булди. 4,5 млн. ишчи ишсиз колди. Иш хаки деярли икки баравар кискардди. Ишчилар иш ташлашдилар ва намойишлар уюштирдилар. Кризисдан шахар урта табакалари, дехконлар ҳам анча азоб чекдилар, майда савдогарлар ва корхона эгалари хонавайрон булдилар.

Капиталистлар кризиснинг барча кийинчиликларини ишчилар синфига агдаришга интилдилар. Хукумат биринчи галда керак буладиган нарасаларга солик солди, пенсия микдорларини кискарттирди, 21 ёшдан кичик булган кишиларни ишсизлик буйича нафакалардан махрум этди. Бу чораларнинг деярли хаммаси рейхстагни четлаб, фавкулодда декретлар чикариш асосида амлга оширилди.

Авж олиб кетган социал зиддиятлар хатто чекланган буржуа демократиясининг режими ҳам немис молия капиталининг энг реакцион доиралари сиёсатининг ишончли куроли булмай колди. Бу доиралар *Национал-социалистик немис ишчилар партияси* деган партияни тобора купрок даражада куллаб-кувватлайди. 1919 йилда вужудга келган нацистлар партияси ҳам эмасди. Бирок, унинг номини тасодифий ном деб хисоблаб булмайди. Нацистларнинг бошликлари социализмга ёт булган антикоммунистик гояларни миллатчилик ва шовинизмни меҳнаткашларнинг ва урта катламларнинг буржуа демократиясидан хафсаласи пир булган кисми орасида ёйиши осонлашдан хафсаласи пир булган кисми

орасида ёйишни осонлаштириш учун узларини "национал социалистилар" деб атадилар.

Фашистларнинг аввало майда буржуазияни, кейин эса ишчилар ва дехконларнинг бир кисмини уз ортидан эргаштиришга муваффақ булдилар . Улар бунга социал демагогия, иркий вайсакилик ва террор килиш ёрдамида эришдилар. Фашизмнинг оммавий таянчи булиб колган социал табакалар уз манфаатларига карши иш курдилар, молия капиталининг энг реацион доираларига кур-курона хизмат килдилар.

20-йилларнинг бошларидаёк Германиянинг айрим саноат ва молия магнатлари нацистларга хомийлик килиб, уларга пул билан ёрдам курсата бошлаган эдилар. Иктисодий кризис йилларида гитлерчилар бошлаган эдилар. Иктисодий кризис йилларида гитлерчилар партиясини кенг таргиб килиш авж олиб кетди. Фашист газеталари, нацистларнинг бутун харакат йирик концернлартомонидан мул-кул молиявий ёрдам олиб турдилар.

1931 йилнинг урталаридан бошлаб купгина молия магнатлари хокимиятнинг Гитлерга берилиши учун харакат кила боладилар.. ГСДП рахбарлари коммунистлар ва бошка демократларнинг ягона антифашист фронти тузиш тугрисидаги таклифларини рад килдилар. Улар нацистлар кутурган майдабуржуа авантюрачиларидир, уларга карши кураш олиб бориш коммунизмга карши кураш олиб боришдан кура камрок эътиборни талаб килади, деб хисобладилар.

Герман коммунистлари милитаризмга карши, фавкулодда конунлар сиёсати ва реакциянинг хужумига карши шиддатли кураш олиб бордилар. 1930 йилнинг августида ГКП "Немис халкини миллий ва социал озод килиш программаси"ни эълон килди. Мазкур программа кенг халк оммасининг мафаатларига мувофиккеладиган талаблари: монополистик капитални-фашизмнинг асосий таянчини хокимиятдан махрум этиш, помещикларни экспроприация килиш талабларини уз ичига олган эди. Компартия фашизм немис ишчилар синфи учун, бутун немис миллати ва бутун дунё синфи теварагига барча антиимпериалистик кучларни-дехконлар, шахар майда ва урта буржуазиясини, зиёлиларни бирлаштиришга интиларди.

Назорат топшириклари:

1. Германияда 1929 йилда бошланган иктисодий кризис ва унинг окибатларини тушунтириб беринг?
2. Национал социалистик немис ишчилар партияси тугрисида нималарни биласиз?
3. Фашистлар партияси ушбу кризис даврида қандай йул тутдилар?
- 4.

3-асосий савол:

Фашистлар диктатурасининг урнатилиши ва герман фашизмнинг сиёсати.

МАКСАД: Германияда фашистлар диктатурасининг урнатилишининг шарт-шароитлари ва фашистик сиёсатнинг олиб борган ишларини тушунтириб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. 1932 йилги Рейхстагга сайлов натижаларини изохлаб беради.
2. Гитлернинг рейх Канцлер этиб тайинланиши тавсифларини сузлаб беради.
3. 1933 йил баҳор-ёзида фашистлар режимини шаклланиши тугатилишини англаб етади.
- 4.

3-савол баёни:

Монополистик капиталнинг юкори табакалари, уришкок харбий доираларнинг бошликлари ва фашистларнинг рахбарлари уртасида: агар фашистлар хокимият тепасига келиб колсалар, улар қандай вазифаларни қай даражада бажаришлари хақида яширин музокаралар олиб борилаётган эди.

1932 йилнинг ноябрида рейхстагга янги сайловлар булиб утди. Улар бутун реакцион дораларни ташвишга соладиган натижалар билан тугади: нацистлар олдинги сайловлардагига нисбатан 2 млн. тарафдорларини йукотган эдилар. Янгидан 700 минг овоз тупладилар-бу гитлерчилардан 1,5 млн. куп эди. Сайлов натижалари коммунистлар билан сул социал-демократлар амалга оширган жуда катта антифашист ишларни акс эттирди, синфий

кучлар нисбатида пролетариат фойдасига узгаришлар руй бераётганлиги курсатади.

Коммунистлар ишчилар синфининг антифашист бирлигига эришиш учун астойдил ҳаракат қила бошладилар. Бироқ ГСДПнинг унги лидерлари антикоммунистик сиёсатни зур бериб утказиб келдилар, фашистлар эмас, балки коммунистларни узларининг асосий душмани деб ҳисобладилар. Социал-демократия раҳбарларининг ана шу позициясидан фойдаланиб, герман империализми чет эл капиталининг ёрдами билан ҳокимиятни фашистлар қўлига бериш йўлига утдилар.

1933 йилнинг 30 январиди Гидденбург Гитлери рейхканцлер қилиб тайинлади. Веймер республикасининг режими молия капиталининг энг реакцион, энг шовинистик ва энг империалистик элементларининг ошқора террорчилик диктатураси билан алмашди.

Германия монополистик буржуазияси уз ҳукмронлигини буржуа демократияси методлари билан сақлаб қолишга ноқобил бўлиб чиқди. Молия ва саноат магнатлари фашизмга умид қилиб, гитлерчилар ёрдамида уюшган ишчилар ҳаракатини, биринчи навбатда унинг авангарди ГКП ни тор-мор қилтиришни, узларининг реваншистик ва босқинчилик режаларини амалга оширишни муважжаладилар.

Гитлери оқимият тепасига қелиши меҳнатқашларнинг газабини қўзғотди. Қўп шаҳарларда антифашист намоёишлар бўлиб утди. Уларда коммунистлар, социал-демократлар, партиясиз ишчилар биргаликда қатнашдилар. Ҳамма жойда коммунистларнинг пролетар бирлиги учун чақириги жаранглаб эшитилди. Компартиянинг курсатиб утилишича немис халқи учун энг асосийси фашист диктатурасини ағдариб ташлашдан иборат эди. Бунга халқ оммасини ишчилар синфи ҳаракатларининг бирлиги асосида қенг суратда жиҳтлаштириш йўли билан ришиш мумкин эди. Бироқ ГСДП ва қасаба союзлари раҳбарлари хали халқ қилувчи қўраш вақти қелгани йўқ, деб ишчиларни ишонтирмоқчи бўлдилар. Социал-демократия унги раҳбарларининг иттифокчилик ва тақсимчилик сиёсати гитлерчиларга узларининг бутун қўчаларини коммунистларга қарши қаратиш имқонини берди.

ГКПнинг тор-мор қилтириш ва демократияни батамом тугаишга баҳона топиш учун фашистлар 1933 йил 27 февралда рейхстаг биносига ут қўйдилар. Фашистлар олдиндан тузиб қўйилган рўйхатга биноан қарийб 20 миң қишини, асосан

ГКПнинг активларини камокка олдилар. Герман пролетариатининг йулбошчиси Эрнст Тельман ҳам камокка олинди.

Орадан куп утмай давлатнинг яширин полицияси-гестапо СС составидан танлаб олинарди. Бош суяк билан кесиштирилган суякларни акс эттирувчи эмблема кора форма кийган эсэсчилар гитлерчилар террорининг асосий куроли булиб колди. СС ва гестапо ҳам Германида, ҳам у босиб олган территорияларда концентрацион лагерларнинг бутун бошли тармогини вудудга келтириш ташкилотчилари булдилар.

Назорат топшириклари:

1. Фашистлар дитатураси кандай шароитда урнатилди?
2. Гитлернинг хокимият тепасига келиш шарт-шароитларини айтиб беринг?.
3. Качон деярли фашистлар режими шаклланиши тугалланди?
4. Кай тарика монополиякларнинг кучи фашист давлатининг кучи билан бирлаштирилди?
5. Герман фашизмининг сиёсати нималардан иборат эди? Аникланг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Г. Трухановский Антони Иден М.,1976 й.
2. И.Н. Рузвельт, Черчиль и второй фронт. М.,1965.
3. Энг янги тарих Фураев В.К. Т.,1995.
4. Сиёсий партиялар тарихи Спаровчник. Т.,1968.
5. Якин ва урта Шарк мамлакатлари. Басистая Ю.И. Т.,1960.
6. В.Л. Малькая, Ф.Рузвельт "Проблемы внутренней политики и дипломатии" М.,1988.

4-мавзу: Франция 1918-1939 йилларда. (2 соат маъруза).

Асосий саволлар:

1. I жахон уруши оқибатлари ва Франциянинг ундаги роли. Версаль-Вашингтон системасининг вужудга келиши.
2. Францияда ривожланишнинг қисман стабиллашуви.
3. Иқтисодий кризис йиллари. Францияда халқ фронти.

Таянч ибора ва тушунчалар: Франция, давлат, Версаль-Вашингтон системаси, Эльзас-Лотарингия, Саор, репарация, Пуанкаре ҳукумати, кризис, халқ фронти, Леон Блюм, Эдуард Даладвэ, 1937 йилги танаффус, унғ социалистлар, радикал, сиёсий партиялар.

1-асосий савол:

I жахон уруши оқибатлари ва Франциянинг ундаги роли. Версаль-Вашингтон системасининг вужудга келиши.

МАКСАД: I жахон уруши оқибатлари ва уршдаги франциянинг ролига баҳо бериш, Версаль-Вашингтон системасини вужудга келиш сабаблари, шарт-шароитларини еритиб бериш, уни асл моҳиятини тушунтириб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. Францияни I жахон урушида иштроки хақида сузлаб беради.
2. Франциянинг I жахон урушидаги кузлаган максadini тушунтиради.
3. Версаль-Вашингтон системаси хақида маълумот беради.
4. Бу системани Европа, Осиё ва Тинч океани хавфзалари учун салбий томонларини белгилаб беради.

1 - саволнинг баёни:

Биринчи жахон уруши тамом булгандан кейин орадан куп утмай голиб давлатлар кулга киритлган улжани булиб олишга киришдилар. 1919 йил 18 январда Парижда сулх конференцияси очилди. Конференция ишида 32 давлатнинг вакиллари катнашди. Совет Россияси конференцияга таклиф этилмади. Енгилган мамлакатларнинг вакиллари факат сулх шартномаларини имзолашга чакирилган эди, холос.

Имперлистик матбуот, конференция ер юзида мустахам тинчликни таъминлайди, деб инсониятни ишонтиришга уринди. Бирок, халқларнинг такдири АКШ президенти Вильсон, Англия

бош министри Ллойд Жорж хамда Франция ҳукуматининг бошлиги Клемансо томонидан яширинча хал килинди.

Франция империалистлари эса, аксинча, Европада уз гегемониясини урнатиш максидида Германиянинг энг куп даражада зифлаштирилишинизур бериб талаб этавердилар. Улар Саар кумир хавзасини ва Рейннинг сул соҳилидаги бошка немис ерларини Францияга кушиб олишни талаб этдилар. Франция дипломатиясим бир канча давлатлардан (Польша, Чехославакия, Руминия ва бошка мамлакатлардан) Европада Германияга карши блок тузишга интилди ва шу максидда уларнинг территориясини енгилган давлатлар ҳисобига кенгайтиришни каттик туриб талаб этди. Француз реакционерларининг Советларга карши режаларида бу давлатлар муҳим урин тутар эди. Клемансо Совет республикасини "тиканли симлар тусиги" билан ураб олиш ниятида эканлиги баён килди.

Англия монополистик буржуазияси Германиянинг денгиз ва иктисодий кудратини синдиргач, унинг собик мустамлакаларини Юбритания империяси составига кушиб олишга интилди. Ллойд Жорж Франциянинг Германия ҳисобига кучайишига халакит бериш учун узининг бутун дипломатик қобилиятини ишга солди.

Назорат топшириклари:

1. Франциянинг I жаҳон урушидаги роли ва урнини айтиб беринг?
2. Версаль-Вашингтон системасини вужудга келиш шарт-шароитларини тушунтириб беринг?
3. Франция учун бу системани ахамияти ёки ижобий томонларини белгиланг?

2-асосий савол:

Францияда ривожланишнинг қисман стабиллашуви.

МАКСАД: I жаҳон урушидан сунг Францияда ривожланишнинг стабиллашуви, бунда Эльзас, Лотарангия, Саар хавзаларининг урни ва репарациянинг таъсирини аниқлаб талабларга тушунча бериш.

Идентив укув максадлари:

1. I жаҳон урушидан сунг Францияда ивожланишнинг қисман стабиллашувининг сабабларини курсатиб беради.
2. Стабиллашув жараёнида репарациянинг родини аниқлайди,
3. Ривожланишнинг стабиллашувида халқ хужалигининг урнини гапириб беради.

2-савол баёни:

1924 йилда Франция капитализми, қисман стабиллашув палласига кирди. Саноат ишлаб чиқариши стабиллашув даврида қарийб бир ярим барабар усди. Оғир индустрия техника жихатидан реконструкция қилинди ва бу ҳол унинг юқори суръатлар билан тарққий этишига ёрдам берди. Эльзас билан Лотарингиянинг қайтариб олинганлиги, Саар қумиридан фойдаланилиши, урушда вайрон бўлган районларнинг тикланиши, Германиядан репарация олиниши саноатнинг ушшига қулай шароит тугдирди.

Франция қуро-яроғлар ишлаб чиқаришни анчагина кенгайтди. Ҳарбий саноат компаниялари Шарқий Европа мамлакатларига қуро-яроғларни қуплаб экспорт қилиш, жуда катта фойда олдилар. Зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқариш қупайди. Туқимачил ва саноатнинг бошка баъзи тамоклари тургунлик ҳолатида бўлиб, урушдан олдинги даражасига етолмади. Францияда илгаригидек, қуп микдорда ҳунармандчилик қорхоналари мавжуд эди. Қупгина майда мулкдорлар банд бўлган қишлоқ ҳужалиги сурункали қризисни бошдан кечираётган эди.

Стабиллашув йилларида ишлаб чиқариш ҳамда капиталнинг қонцентрациялашуви қучайди. Мамлакат экономикаси ва молиясини уз назоратиғаолган "икки юз оила"нинг оладиган фойдалари меҳнатқашларни эксплуатация қилишни қучайтириш ҳисобига янада қупайди. Молия мағнатларининг давлат аппарати билан алоқалари тобора мустанқамлана борди.

Франция имперализми судхурлик ҳусусиятини аввалгидек сақлаб келар эди. Стабиллашув йилларида рантъенинг миллий даромаддаги улуши қупайди. Француз буржуазияси мустанқамларнинг ҳалқларини эксплуатация қилишдан ҳийла катта бойлик орттирди. Омма орасида демократик тенденцияларнинг қучайиши 1924 йилги парламент сайловларида "Сул блок"нинг галаба қозонишига ёрдам берди. Бу блокка радикаллар партиясини билан социалистик партиясини қирган эди. Социалистлар радикаллар партиясининг раҳбари Эдуард Эррио тузган ҳуқумат составига қирмасалар ҳам, лекин бу ҳуқуматни қуллаб-қувватладилар. Сайлов арафасида "Сул блок" кенг қуламда сиёсий амнистия бериш, нарх-навони пасайтириш, капиталга солиқ солиш, Совет Иттифоқини таниш тугрисида ваъда берган.

Шундан кейинги ҳуқуматларнинг тутган йули мамлакат сиёсий ҳаётида уннга қараб бурилишдан иборат бўлган. Франция

Марокаш вва Сурияда мустамлакачилик урушларини бошлаб юборди ва бу урушлар молиявий кризисни янада купрок мураккаблаштирди. 1926 йилда хокимият тепасига йирик буржуазия манфаатларини ифода этган Пуанкаре кабинети келди. Бу хукумат асосан тугри ва эгри солиқларни купайтириш, ишчиларнинг реал иш хакини камайтириш, пенсияларни кискартириш ва шу сингари ишлар хисобига Франциянинг молиявий ахволини мустахкамлади. Хукумат мамлакатни миллийлаштиришни кучайтирди. Унинг ташки сиёсати СССРга нисбатан утуқетган душманлик билан ажралиб турар эди.

Назорат топшириклари:

1. Эльзас, Лотарингия, Саар хавзаларини Франция ихтиёрига утиш тавсилотларини гапириб беринг?
2. Германия томонидан туланажакрепарацияни Франция учун ахамиятини аникланг?
3. Урушдан сунг Франция ривожланишини кisman стабиллашувини аник сабабларини курсатинг?

3-асосий савол:

Иктисодий кризис йиллари. Францияда халк fronti.

МАКСАД: Францияда кризиснинг бошланишига таъриф бериш, янги саноат ва кишлок хужалигидаги кризис мамлакатда синфий курашнинг кескинлашуви, мамлакатда Франция халк фронтининг вужудга келиш шарт-шароитларини айтиб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. Францияда иктисодий кризис сабабларини билади.
2. Иктисодий кризиснинг салбий окибатларини очиб беради.
3. Франция халк фронтининг вужудга келиши сабабларини аниклайди.

3-савол баёни:

Хокимият тепасига келган гитлерчилар француз маслакдошлари билан давлат тунтаришига тайёргарлик кура бошладилар. 1934 йил 6 февралда 20 мингдан купрок куролланган фашистлар Париж кучаларига чикди. Улар депутаталар палатаси мажлис килаётган Бурбонлар саройини ва хукматининг бошка биноларини кечиктириб сусткашлик килдилар.

1934 йил феврилидаги воқеалар ишчилар синфига ягона фронт вужудга келтириш зарурати етилганлигини курсатади.. Барча сиёсий окимдаги ишчиларнинг партиясизларининг биргаликда иш тутиши учун бошланган харакат ой сайли усиб борди. ФКП факат

ишчиларнигина эмас, балки меҳнаткаш дехконлар, майда буржуазия ва зиёлилар кенг оммасини ҳам фашизмга қарши, демократия учун ва яқин орадаги иқтисодий талаблар учун курашга жалб этиб, омма орасида актив ишни кизитиб юборди. Бирликка интилиш социалист-ишчиларни тобора кўпроқ узига торди. Кўпгина департаментларда коммунистлар билан социалистлар ягона фронтга бирлашиш тугрисида битим туза бошладилар. Кўйида булган тазйик натижасида социалистик партия раҳбарлиги ФКП нинг таклифни қабул қилди. 1934 йил 27 июлда иккала партиянинг ҳаракат бирлиги тугрисидаги пактни имзолади. Ана шу пактда кўчларни фашизмга ҳамда урушга қарши, демократияни ҳимоя қилиш учун курашга сафарбар этиш чораларини қўриш кўзда тутилган эди. Бу билан ишчилар синфини жипслаштириш учун осос солинди, 1936 йилда Умумий меҳнат аонференцияси ташкилотида қасаба союзларининг бирлиги тиклангандан кейин бу жипслашув янада мустаҳкамланди.

"Фашизм устидан галаба қозонишни таъминламок учун,-деб езган эди Морис Торез,- ана шу иттифокни кенгайтириш ва унга урта синфларни жалб этиш лозим эди"

Фақат ишчилар синфигина эмас, балки урта табақалар ҳам қўллаб қувватлаган Халқ fronti тузиш учун бошланган ҳаракат қудратли кўчга айланди. Омманинг талаби билан социалистик партия ва радикаллар партиясининг раҳбарлари таклифни қабул қилишга мажбур бўлдилар. 1936йил апрель-май ойларида утқазилган парламент сайловларида Халқ fronti партиялари ыарча овозларнинг ярмидан кўпрогини олиб, катта галабани қўлга қиритди. Социалистик партиянинг раҳбари Леон Блюм фронтга таянган ҳукумат тузди. Бу ҳукумат составига социалистлар билан радикаллар қирди.

Бир неча миллион ишчи ва хизматчиларнинг янгидан бошлаб юборган иш ташлашлари тазйики натижасида (иш ташловчиларв завод ва муассасаларни, катта магазинларни уз қўлларига олишган эди) ҳукумат Халқ фронтининг бир қанча талабларини амалга оширди. Ишчилар 40 соатлик иш ҳафтаси жорий қилинишига, ҳақ туланадиган икки ҳафталик отпусқа белгиланишига, иш ҳақининг 7% дан то 15%га қадар оширилишига, ишсизликни қамайтиришга қаратилган чоралар қўрилишига эришдилар. Қасаба союзларига қорхона эгалари билан коллектив шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди. Ҳарбий саноат қисман национализация қилинди.

Давлат дехконларининг манфаатини кузлаб, улардан кишлок хужалик махсулотларини катъий бахоларда сотиб ола бошладилар. Урта табакаларга имтиёзли шартлар билан кредитлар берилди. Халкнинг турмуш даражаси кутарилган Франция социал конунчилик соҳасида Европадаги илгор капиталистик мамлакатлардан бири булиб колди. Хукумат фашистларнинг ташкилотлари таркатиб юборилишини эълон килди.

Халк fronti гоёси амалга ошган Европадаги биринчи капиталистик мамлакат Франция булиб колди. Бу жуда катта тарихий ахамиятга эга эди. Мехнаткашларнинг сиёсий онги усди, улар хукуклари учун курашда бирликнинг зарур эканлигига ишонч хосил килдилар. Унг радикал Эдуард Даладьё хукумати монополистик буржуазияга ён бериш сиёсатини жуда хам кучайтириб юборди; бу хукумат 1938 йил апрелида реакцион партияларнинг вакиллари иштрокида тузилган эди. 1938 йил ноябрида радикаллар партияси Халк фронтдан чикди. Кабинет фавкулудда декретлар чикардик, мазкур декретларга биноан, кулга киритилган социал галабаларнинг бир кисми бекор килинди.

Назорат топшириклари:

1. Иктисодий кризисни келтириб чикарган омилларни аникланг?
2. Франция мехнаткаш оммасининг кризисга нисбатан хатти-харакатларини курсатиб беринг?
3. Францияда ягона халк фронтининг вужудга келишидаги бирламчи сабабларни сузлаб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Фураев. Энг янги тарих. Т., 1989.
2. Сиёсий партиялар -справочник Т.,1968.
3. Сшунов В.Н. Новейшая история Франции. М.,1979.
4. Навиков Г.Н. Голлизм после де Голя. М.,1984.

6-мавзу: Италия 1918-1939 йилларда

Р е ж а:

1.1-чи Жаҳон урушининг Италияга ахамияти.

2.Италиянинг ички ва ташқи сиёсати.

Italiya urushda 650 ming fuqarosini yo'qotdi. 800 mingdan ortiq kishi mayib-majruh bo'lib qoldi. Mamlakat harbiy xarajatlari 46 mlrd. lirni tashkil etdi. Urush mamlakatni moliyaviy jihatdan xoldan toydirdi.

Ayni paytda Italiya Buyuk Britaniyadan 2,5 mlrd., AQSHdan esa 1,5 mlrd. dollar qarz bo'lib qoldi. Shu tariqa Italiyaning chet el mahsulotlariga, kreditlarga qaramligi yanada kuchaydi.

Urushgacha ham qishloq xo'jaligi Italiya iqtisodiyotining nihoyatda qoloq sohasi edi. Urush esa bu sohani yanada xarob qildi. Yer egaligida o'rta asrchilik qoldiqlari hamon davom etardi. Chunonchi, 40 ming yirik yer egalari 10 mln. gektar yerga egalik qilgani holda, 2,5 mln. dehqon atiga 6 mln. gektar yerga egalik qilardi. Dehqon oilalarining deyarli yarmida hech qanday yer yo'q edi. Ular og'ir shartlar asosida ijaraga yer olib hayot kechtrganlar. Italiyaning janubida (Sitsiliya va Sardiniyada) ahvol undan ham og'ir edi.

Davlat qarzining ko'pligi soliqlarni keskin oshirishga olib keldi. Pul qadrsizlandi, natijada narx-navo dahshatli tarzda o'sib bordi. Mamlakatda ocharchilik ro'y berdi. Buning ustiga urush natijalari Italiyani g'oliblar ichida mag'lub davlatga aylantirib qo'ydi. Ma'lumki, Italiya dastlab «Uchfar ittifoqi»ning a'zosi bo'lgan edi. Jahon urushi boshlangach Italiya kutib turish yo'lini tutdi. Bundan foydalangan

Antanta, katta va'dalar berib, . Italiyani o'z tomoniga og'dirishga muvaffaq bo'lgan edi.

Ammo Parij sulh konferensiyasida Buyuk Britaniya va Fransiya o'z va'dalari ustidan chiqmadi. Ya'ni ular va'da qilingan hududlarni Italiyaga bermadi. To'g'ri, Italiya nasibadan quruq qoldirilmadi. Chunonchi, sobiq Avstriya — Vengriya imperiyasiga qarashli Janubiy Tirol va Adriatika sohilidagi Triyest porti, Yugoslaviyaning ba'zi hududlari, shuningdek Turkiyaga qarashli Dodekanes oroli Italiyaga berildi. Ayni paytda Italiya Millatlar Ligasining doimiy a'zosi maqomiga ega bo'ldi. Shuningdek, unga Fransiya harbiy-dengiz floti qudratiga teng flotga ega bo'lish huquqi berildi.

Biroq hukmron doiralar uchun buiar oz bo'lib ko'rindi. Oz ulush tekkanidan arazlagan Italiya bosh vaziri Orlando Parij tinchlik konferensiyasidan ketib qolgan edi. G'oliblar ichidagi bunday mag'lubiyat Italiya aholisi ruhiyatiga jiddiy salbiy ta'sir ko'rsatdi. Urushning Italiya uchun ham iqtisodiy, ham siyosiy jihatdan bupday oqibatlarini mamlakatda siyosiy inqirozni yanada chuqurlashtirib yubordi .

Shunday bir sharoitda Italiyada chuqur islohotlar o'tkazish yo'li bilan jamiyatni iqtisodiy va siyosiy inqirozdan chiqarib keta olishga qodir bo'lgan biror-bir yetakchi siyosiy partiya yo'q edi. Binobarin, Italiyada kuchli parlamentarizm an'analari bo'lmagan. Bu omil, o'z navbatida, Italiyada fashizmning hokimiyat tepasiga kelishiga yo'l ochdi.

2-савоЛ: Orlando hukumati Italiyaning jahon uru-shida qatnashishini davom ettirdi. Bu hukumat Antantaning Sovet Rossiyasiga qarshi Jcurashida Italiya ishtirokining tarafdori bo'ldi. Shuning uchun

ham 1918-yili o'z qo'shinlarini Odessa, Murmansk va Vladivostokka yubordi.

Antantaning Sovet hukumatini harbiy yo'l bilan bo'g'ib tashlashga urinishi muvaffaqiyatsizlikka uchraganligi awalgi mavzulardan ma'lum. Chunonchi, Italiyaning g'oliblar ichida mag'lub bo'lib qolishi Orlando hukumatining katta yo'qotishi edi va uning obro'sini tushirib yubordi. Chunki Italiya o'zi da'vo qilgan Dalmatsiya, Valoniya, Simernadan birortasini ham ololmadi. Buning ustiga, Turkiyaga qarashli Simernani bosib olish uchun 1919-yilning may oyida hujum boshladi va mag'lubiyatga uchradi.

Bundan tashqari, Italiya Albaniyani ham tashlab chiqishga majbur bo'ldi.

Hukumat tashqi savdo bozorlarining qo'ldan ketishi hamda tashqi kredit uzilib qolishining oldini ololmadi. Natijada urushdan biroz keyin mamia-katda iqtisodiy inqiroz boshlandi. Oqibatda ish haqi keskin pasaydi, inflatsiya kuchaydi. Armiya safidan bo'shatilgan harbiylar ishsiz qoldilar. Ana shunday sharoitda (1919-yil iyun oyida) Orlando hukumati iste'fo berishga majbur bo'lgan. ~+

1919-yil noyabr oyida bo'lib o'tgan parlament saylovida Italiya Sotsialistik partiyasi g'alaba qozongan bo'lsa-da, bu mamlakatdagi iqtisodiy va siyosiy vaziyatni yumshatishga olib kelmadi.

Italiya armiyasi mamlakat ichkarisidagi siyosiy voqealarga nisbatan o'z betarafligini e'lon qilganligi uchun hukumat ishchilarning bunday «o'zboshimcha»ligini bostirish uchun armiyani yubora olmadi. Natijada

hukumat va korxonalar egalari yon berishga majbur bo'ldilar. Xususan, 8 soatlik ish vaqti belgilandi. Narxlar o'sishining aholiga ko'rsatadigan oqibatini pasaytirish maqsadida ish haqiga qo'shimcha to'lov (kompensatsiya) to'lanishi e'lon qilindi.

Yer egalari yollanib ishlovchilar, ijaraga yer olib ishlovchilar uchun shartlar nisbatan yengillashtirildi. Mamlakat janubida dehqonlar yer egalariidan tortib olgan yerlarning bir qismi ularga qonunlashtirilib berildi.

1920-yilda Italiya mehnatkashlari hokimiyatni egallab olish imkoniga ega bo'ldilar. Biroq ularning harakatini uyushtirishga qodir, bu ishni parlament yo'li bilan amalga oshirish tomon yetaklaydigan jiddiy siyosiy partiya yo*q edi.

1892-yildan beri faoliyat ko'rsatayotgan Italiya Sotsialistik partiyasi uch oqimga bo'linib ketgari edi. Partiya mehnatkashlarning hokimiyatni egallashlariga qarshi edi. 1919-yilda tashkil topgan hamda o'z dasturiga kirgan ikki muhim va'da bilan (1. Yer egalariidan haq to'lab bir qism yerlarni olish va uni dehqonlarga bo'lib berish. 2. Mehnat uchun adolatli haq to'lash) omma orasida obro'-e'tibor qozonib borayotgan «Xalq partiyasi* ham mustahkam emas edi. o'z navbatida, bu partiya ham noqonuniy yo'l bilan hokimiyatni egallashga qarshi edi. 1920-yilda Italiyada inqilobiy harakatning yanada kuchayishi Orlandodan keyin bosh vazirlik lavozimini egallagan Nitti hukumatini ham bir yil o'tmay iste'fo berishga majbur etdi (1920-yil iyun).

Yangi tuzilgan Jolitti hukumati inqilobiy harakat to'lqinini pasaytirish maqsadida oziq-ovqat mahsulotlari narxini 50 foizga kamaytirdi.

Oxir-oqibatda ishchilarning kasaba uyushmasi va hukumat inqilobiy harakatni chuqur islohotlar o'tkazishga va'da berish yo'li bilan pasaytirishga

erishdilar. Biroq mamlakatda ro'y bergan «qizil ikki yillik* hukmron doiralarni cho'chitib qo'ydi. Ular kommunistik — qizil to'ntarish xavfidan daxshatga tushdilar va mamlakatda kuchli diktatura o'rnatishga intila boshladilar.

Bu, o'z navbatida, Italiyada fashizmning hokimiyat tepasiga kelishiga yo'l ochdi. Avvalgi sahifalarda aytib o'tilganidek, 1919-yilda Italiyada frontdan qaytgan sobiq askarlar o'z manfaatlarini himoya qilish uchun «Quroldoshlar uyushmasi» (Fashi di kombattimento) deb atalgan tashkilot tuzgan edilar. Bu tashkilotni Benito Mussolini (1883—1945) boshqargan. Bu tashkilot Italiyada fashizm g'oyalarini keng targ'ib etdi. Benito Mussolini dastlab sotsialist edi. Burjua parlamentarizmining mamlakatda tartib o'rnatishdagi ojizligi, urushdan keyin o'z turmush darajasining yaxshilanishiga umid qilgan millionlab fuqarolar orzu-umidlari puchga chiqqanligi, shuningdek Italiya hukmron doiralarining urush natijalaridan qanoatlanmaganligi fashizmni yuzaga chiqargan omillar edi. Xuddi shu omillar ko'pchilik italyanlarning fashistlar mafkurasi tomon og'ishiga sabab bo'tdi.

Shu tariqa Italiyada boshqaruvning qattiqqo'llik shaklini o'rnatishga chaqirayotgan yangi yo'l boshchi — Mussolini siyosiy kurash maydonida paydo bo'ldi. Italiyada fashizmning tezda muvaffaqiyat qozonishida Mussolinining shaxsiy sifatlari ham juda katta rol o'ynagan. U kuchli notiqlik qobiliyatiga ega edi. Mussolini fashizmni o'ziga xos dinga aylantira olgan shaxs sifatida mashhur. U ko'p ming kishilik mitinglarda

yirik mulkdorlarning mehnatsiz daromadlarini, amaldorlarning suiiste'mollarini, birorta ham muammoni hal etishga qodir bo'lmagan Italiya parlamentini ayovsiz tanqid qilar edi. Ayni paytda u Italiyaning Qadimgi Rim imperiyasidagi qudratini tiklashga va'da berar edi. o'zini esa bo'lajak imperiyaning dohiysi deb bilar, shuning uchun ham qadimgi rimliklarning «duche»(dohiy) so'zini o'ziga laqab qilib olgan edi. Uning otashin, jozibador so'zlari sehrlab qo'ygan miting qatnashchilari «boshla bizni, duche» deb xitob qilar edilar.

Mussolini fikricha: «Italiyada yangi tartib — milliy sotsializm» hukmron bo'lishi kerak edi. Bunday sotsializmga davlat har qanday sinfiy manfaatdan ustun turadi. Va u nihoyatda kuchli bo'ladi hamda mehnat bilan sarmoyaning hamkorligini ta'minlaydi.

Ayni paytda davlat mehnat va sarmoya yagona hamkorligi birlashmasi (korporatsiya) ni tashkil etadi. Binobarin, Italiya yagona korporatsiyaga, ya'ni butun Italiya jamiyati manfaatlarini himoya qiluvchi birlashmaga aylanadi.

Bu korporatsiyada barcha — sarmoyadorlar va ishchilar, yer egalari va dehqonlar, aholining qolgan qatlamlari bir oila a'zolariga birlashadilar va mehnat qiladilar. Davlat esa bu oila barcha a'zolarining manfaatlari va maqsadlari birligini kafolatlaydi. Ana shunday jamiyatdagina uning

a'zolari barcha og'ir muammolardan tezda xalos etiladi. Italiya aholisining katta qismi Mussolinining va'dalariga ishondi va uni qo'llab-quvvatlay boshladi.

1920-yildan boshlab fashistlar yanada faollashdilar va ular o'zlarining harbiy otryadlarini tuza boshladilar. Italiya Sotsialistik partiyasi va Ustumiy

Mehnat Konfederatsiyasi fashizmga qarshi kurash o'rniga, 1921-yilning 3-avgustida Mussolini bilan «totuvlik pakti»ni imzoladilar. Ishchilar tashkilotlarining bunday yo'l tutishi fashizmni yanada kuchaytirdi va u yetakchi siyosiy kuchga aylana bordi.

1922-yilgi parlament saylovlarida ular 35 o'ringa ega bo'lsalar-da, mahalliy saylovlarda katta muvaffaqiyatga erishdilar. 1922-yil oktabr oyida ular bir necha vazirlik lavozimlarini talab qilib Rimga yurish uyushtirdilar. Bu amalda mavjud Konstitutsiyaviy tuzumga qarshi isyon edi. Hukumat isyonni bostirish chorasini ko'rmadi. Buning sababi — yirik sarmoyadorlar asosiy ko'pchiligining hukumatga tazyiq o'tkazganligi edi. Yirik sarmoyadorlar hokimiyatni Mussoliniga topshirish tarafdori edilar.

Masalan, mamlakat hayotida eng katta ta'sirga ega bo'lgan «Sanoat bosh konfederatsiyasi» rahbarlari qirol Viktor-Emmanuel III ga telegramma yuborib, undan hokimiyat Mussoliniga berilishini talab etdilar. Qirol bunga javoban Mussolinini Bosh vazir etib tayinladi va 1922-yil 30-oktabr kuni Mussolini koalitsion hukumat tuzdi. Shu tariqa Italiyada fashizm qonuniy yo'l bilan hokimiyat tepasiga keldi.

Parlamentda (420 o'rinli) atigi 35 o'ringa ega bo'lgan fashistlar yetakchisi Mussolini dastlab boshqa siyosiy kuchlar bilan murosa qilishga majbur bo'lgan. Ayni paytda yirik sarmoya egalarining qo'llab-quvatlashi orqali u o'z hokimiyatini tobora mustahkamlab bordi. Chunonchi, qirol va parlament 1922-yilning 23-noyabrida Mussoliniga cheklanmagan huquq berdi. Endi u o'z partiyasi a'zolaridan tuzilgan «Katta fashist kengashi* deb atalgan kengash orqali hukumat -faoliyatini nazorat ostiga oldi. Tayyorlanayotgan qonun loyihalari shu kengash nazoratidan o'tar edi. Barcha lavozimlarga Mussolini partiyasi a'zolari tayinlanadigan bo'ldi.

1924-yil oxirida Mussolinining tazyiqi ostida saylov to'g'risidagi qonunga o'zgartirishlar kiritildi. Unga ko'ra, saylovda eng ko'p ovoz olgan partiya parlamentdagi deputatlar o'rning uchdan ikki qismini egallar edi. Yangi qonun bo'yicha 1924-yildagi parlament saylovida Mussolini partiyasi g'alaba qozongan. Shu tariqa mamlakatda Mussolinining fashistik diktaturasi qaror topdi.

1926-yildan boshqa siyosiy partiyalar tarqatib yuborildi. Endi Italiya bir partiyali diktatorlik davlatiga aylandi. 1929-yili Mussolini Vatikan bilan shartnoma imzoladi. Unga ko'ra, Rim (Vatikan) papasi diniy hukmdor deb tan olindi va katoliklik milliy din deb e'tirof etildi, cherkov mulki soliqlardan ozod etildi.

7-мавзу: СССР 1918 - 1939 йилларда.

(6 соат маъруза).

Асосий саволлар:

1. Совет давлатининг ички сиёсати.
2. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши.
3. Сталин диктатураси. Совет давлатининг ташки сиёсати.

Таянч ибора ва ташунчалар: Совет давлати, сиёсат, уругчилик, катагон, харкбий лашкарбоши, коллективлаштириш, НЭП, мафкура, Сланинизм, диктатура, манфий протокол, Мюнхен битими, пулат пакт бетараф, НКВД, ГПУ, учлик, бешлик, мустакил, 1959 йил, 1953 йил, XX съед, шахс га сигиниш.

1-асосий савол:

Совет давлатининг ички сиёсати.

МАКСАД: 1917 йил октябрь воқеаларидан сунг барча булган совет давлатининг шаклланиши, у олиб борган ички ва ташки сиёсат. Унда В.Лениннинг роли коллективлаштириш, янгича иқтисодий сиёсат натижаларини тушунтириб бериш, мамлакат иқтисодий-ижтимоий турмуш тарзининг тушиб кетиши ва бунда совет хукматининг камчиликлари тугрисида гапириб бериш ва мохиятини талабаларга етказиш.

Идентив укув максадлари:

1. Октябрь воқеалари ва Россияда Совет хокимияти урнатилишини сузлаб беради.
2. Совет хокимиятини дастлабки йилларидаги олиб борган ички ва ташки сиёсатини аниклайди.
3. Ушбу даврда Совет хокимиятида ишчи ва дехконларнинг ахволи, турмуш тарзини тушунтириб беради.
4. Совет империясининг шаклланишини тулик баен килади.

1-саволнинг баёни:

Россияда 1917 йил Октябрь воқеалари Россияда ҳокимият тепасига ишчи ва деҳконлар синфмини келишига олиб келди. Ушбу октябрь инқилоби дунда биринчи бор большевиклар билан биргаликда В.И. Ленин ҳукумати тузилишига сабаб булди. В.И. Ленин 1917 йилдан бошлаб Россияда большевиклар раҳбарлигида социалистик узгартиришларни, жумладан мамлакатда 1917 йилгача булган барча мулкларни национализация қилиш, бойлар синфини йукотиш ерни деҳконларга булиб бериш, колхоз ва совхозлар тузиш керак эди. Бундай янги ишчи ва деҳконлар ҳукумати ва Россиянинг социалистик давлат деб эълон қилиниши жаҳон ҳамжамиятида кескин эътирозларга олиб келди.

Советлар ва партиянинг вазифаларини тақсимлашдаги уларнинг узаро муносабатидаги туб узгаришлар Сталиндан бошланди. Сталик уз нуктларидан бирида партияни давлат ичидаги узига хос қилич бардорлар жамоаси деб атган эди. 1924 йилда ташкил қилинган "большевик" журнаliga у партия, унинг марказий комитети идеологик муҳолифияни нишонга олиб қуядиган қалъа сифатида қаралган эди. Эътибор беринга, партияни жипслаштирадиган, сиёсат назариясини тушнтирадиган эмас, балки "нишона олиб турадиган",

Сталин хужалик ишларига утганда эса, партия бутун хужалик билан масалан, қишлоқ хужалик ишлари билан яқиндан шугулланиши, шу эжумладан шудгорлаш, эқиш, йигим-терим ишлари билан шугулланиш керак., деб айтарди.

Гражданлар уруши тугаб, озик-овқат развёрдкасини озик-овқат солиғи билан алмаштириш муамомлари кундаланг булганида, Ленин ишлаб чиқариш воситалрининг ижтимоий мулклиги базасида юксак хужалик фаоллигини ривожлантиришга имкон берувчи иктисодий шаклларни қучайтиришга қатта эътибор берди. кЕйинрок у ижтимоий мулкни фақат давлат мулки тарзида уйламагналигини назарда тутиш мумкиндир.

Ленин кооперация хилма-хил шаклларининг имкониятларини таъқидлаб қурсатган. Сталик иузган буйркбозлик-маъмурий система дастлабки пайтларда маълум самара берди. Партия ва ҳукумат бу системага таяниб сакраш қила олдилар., бу сакрашбизни саноат ишаб чиқариш буйича Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи уринга олиб қикди. Аммо хужалик, бутун

ижтимоий ҳаёт мураккаблаша борган сари бошқарувнинг бу шакллари тобора барҳам топа борди. Натижада айни улар мамлакатни кризис олди ҳолатига олиб келган тормозланиш механизмининг объектив асосини ташкил этди. Моддий манфаатдорлик йуқолиши натижасида саноатимиз фан-техника тиараккиетининг энг янги ютуқларини суриб куя бошлади. Кайта куриш маъмурий буйрқбозлик системасини нафакат саноатда бартараф этишга тугри келмокда. Сталик бу системадан сиёсий соҳада ҳам фойдаланган, уни дехконлар билан муносабатда ёйган. Ва, ниҳоят буйрукбозлик-маъмурий системаси шундай таркиб топдики, у меҳнатқашларнинг энг зарур манфаатларини куп соҳаларда ҳисобга олмади.

Корхоналарнинг давлат-капиталистик , концессион шаклларидан, ҳужалик юритишнинг бошқа усулларидан фойдаланиш мумкинлигини эътироф этиб, у хусусий корхона эғалиги фаолияти ва хусусий савдони ривожлантириш тарафдори булди. Шундай қилиб, ленин давлат саноати бошқарувининг жуда хилма-хил шаклларини -синдикатлар, трестлар воситаси билан бошқаришни афзал курган, уларнинг мустақил булиш, ташаббус, омилкорлик курсатишни талаб қилган, соҳиблик қилишни капиталистлардан урганишни маслаҳат берган. Шахсий ва коллектив моддий манфаатдорлик, ҳужалик ҳисобини ривожлантиришга ленинча қарашлар синдикатлар принципи буйича саноатни бошқариш системасини тузишга асос қилиб олинди. Бу ҳамма тусаввурларнинг Сталик даврида ривожланган буйрукбозлик-маъмурий система шакллариға ҳеч қандай алоқаси йуқ.

Бундай янги ишчи ва дехконлар ҳукумати ва Россиянинг социалистик давлаи деб эълон қилиниши, жаҳон ҳамжамиятида кескин эътирозларға олиб келди. Албатта иттифок давлатлари, бошқа Гарбий Европа мамлакатлари ҳукуматлари Россияға қарши интервенцияларни бошлаб юбордилар, деярли. 1918 йилдан бошлаб граждaнлар уруши бошланиб у бутун мамлакатни қамраб олди.

Англия, Франция, Германия, АКШ ва бошқа давлатлар Россия билан алоқаларни уздилар, бу дипломатик алоқалар кейинчалик 1930-1940 йилларда тикланди. Россияда В.И.Ленин бошчилигидаги ишчи ва дехконлардан иборат армия чет давлатларнинг интервенциясини даф қилдилар. 1920 йтлларға

келиб, Россияда тИнч курилиш йилларига уту бошлади. Мамлакатни электрлаштириш тугрисидаги ГОЭПРО плани, янги иктисодий сиёсат каби, Ер тугрисидаги декрет ва бошка куплаб ислохатлар утказилди.

Ушбу ислохатлар В.И.Ленин бошчилигидаги изчиллик билан амалга оширила бошланди. Шундай булсада, мамлакатда ислохатларни кур-курона утказмас, унда бошка регионларга зурлик билан кучириб мамлакатни еппасига коллективлаштириш ва унда йул куйилган купол камчиликлар кишлок хужалигини узилишларга олиб келди. Совет давлати узини ички сиёсатида 1025 йиллардан бошлаб маъмурий буйркбозлик системасига ута бошлади. В.И. Ленин вафотидан сунг хокимият тепасига шахсга сугинш холатлари кенг ейила бошлади.

Ижтимоий мулкени бутунлай марказлаштириш билан, Москвадан туриб хокимиятни бошқариш каби система барпо булди.

Назорат опшириклари:

1. Россиядаги октябрь вокеалари натижасида мамлакатда кандай ахвол юзага келди?
2. Совет хокимияти ички ва ташки сиёсатида кандай принципларга амал килди? Сузлаб беринг?.
3. Мамлакат ахолисининг турмуш даражаси 1918-1939 йилларда кай ахволда эди?
4. Совет империяси даврида маъмурий-буйрукбозлик системасининг вужудга келиши ва окибатларини гапириб беринг?.

2-асосий савол:

Ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши.

МАКСАД: Совет давлатида 1920-1939 йилларда ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муносабатларни ривожланиши тугрисида сузлаб бериш ва уни барча жабхаларини очиб беришдан иборат.

Идентив укув мақсадлари:

1. 1920-1939 йилларда Совет давлати ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши курсатиб беради.
2. Совет давлатида сиёсий муносабатларни ахволини баён қилади.
3. 1920-1939 йилларда Совет давлатида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни натижаларини очиқ беради.
4. Уша пайтда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг оқибат ва натижаларига баҳо беради.

2-савол баёни:

"Сталик уз атрофдагилари билан хоқимиятни зурлик билан кулга олган эди..." Сталиннинг "уз атрофдагилар" дегани нимани билдиради? Бу саволга оддийгина жавоб бериб бўлмайди. Ҳа, унинг атрофидагиларга В.М. Молотов, Л.М. Кагановичга ухшаган бетайин, содиқ сафдошлари кирар эди. Сталик атрофидагилар орасида К.Е. Ворошилов ва М.И. Калинин сингари бир хил бўлмаган шахслар ҳам бор эди. "Сталин атрофидагилар" дегани умуман партия раҳбарлиги, тушунчаси билан айнан эмаслиги ҳисобга олиш керак. Гарчи Сталик 30-йилларнинг бошига келиб Г.Е. Зиновьев ва Л.Б. Коменевнинг эмас, балки Н.И. Бухарин, А.И. Риков, М.П. Томскийларни ҳам раҳбарликдан олган бўлсада, юзлаб катта лвозимдаги ҳалол арбоблар раҳбарлик курсиларида қолишган эди, улар уша вақтда Сталинни куллаб-қувватлашарди. Улар орасида шонли қаҳрамонлар - С.М. Киров, Г.К. Оржоникидзе, ҳамма ҳамма даврларда гуллаб юрган А.И. Мокоян ва "улуг дохийни" бошдан кечирган Г.И. Петровский бор эдилар. Кейинроқ ежовчи-бериясчи жаллодлар томонидан йуқ қилинган К.Я. Бауман, А.С. Бубнов, И.В. Варейкис, Ф.И. Голошчекин ва бошқалар партия раҳбариятида турардилар.

Раҳбар ҳарбий арбоблар Сталинни куллаб-қувватлаганмидилар? Уларнинг қуплари Марказий Комитет аъзолари еки аъзоликка номзодлар бўлдишган эди. Сталинни куллаб-қувватлаб туриб юз бераётган воқеалардан ҳеч қандай хабарлари бўлмаганми, еки сталик томнидан алданиб унинг "мафтунқорлиги"га берилиб қолганмидилар?

Дастлабки пайтларда асосий эътибор жорий ишларга каратилди. Озик-овкат муаммосини дархол хал этиш керак эди. Хукумат хатто хужалик ва бюджет йилининг бошланишини 1 октябрга, яъни кишлок хужалик ишларига якун ясаладиган, хосил урим-терими тугалланадиган пайтга кучирди. Экономикани соғломларштириш манфаатлари йулида майда саноатни, кустарчилик-хунармандчилик ишлаб чикаришни жонлантириш ва юксалтириш чоралари курилди.

Аммо халк хужалиги айрим тармоқларини кайта тиклаш навбатигина узгаргани йук. Аввало куп укладли экономикани амалга ошириш, шахар ва кишлокда капиталистик унсурлар фаолияти билан боглик худаликни юритиш усуллари ва йуллари хам принципиал бошкача булиб колган эди. Шу максатда хукумат саноати бошкаришни кайта курди. Уз харажтлари урнини узи коплашига эришиши ва фойда келтириш керак булган хамда трестларга бирлашган энг йирик корхоналаргина Халк Хужалиги Олий Кенгаши ихтиёрида колдирилди.

Бунда партияннинг стартегик максати узгармай колаверди; дехконлар билан алокани мустахамлаб, уларнинг энг зарур хужалик талабларини кондириш, ишлаб чикарувчи кучларнинг умумий юксалишгини йулга куйиш, йирик, фабрика-завод саноатини кайта тиклаш йули давом эттирилаверди.

Демак, 1923 йил бахорида, XI съездда "индустрлаштириш" термини асосий кундалик вазифа хамда Шурони жадал социалистик саноат давлатига айлантириш сиёсавти сифатида хали йук ва таърифланмаган эди. Лекин уша пайтдаек, тинч курилиш шароитида партия бу масалани амалда уртага куйишга, СССР халк хужалиги структурасида сифат узгаришларини амалга оширишга каратилган конкрет тадбирларни ишлаб чикшга жуда якинлашиб колган эди. Дархол жиддий ихтилофлар номоен булди. Йирик саноат жамиятининг энг илгор синфини бирлаштириб, социализмнинг ишлаб чикариш базаси, бирдан-бир моддий негизи булиб, дехкончиликни хам кайта ташкил этишга кодир эканлигига хеч кимда шубха йук эди.

"Республика хужалигини равнак топтиришни ва унинг ташки хавфсизлигини" таъминловчи тармоқлар - кумир, нефть, металл саноати хам якдиллик билан биринчи уринга куйилган эди. Саноат курилишини маблаг билан таъминлаш манбалари хакидаги, индустрияни кайта тиклаш учун маблаг кидириб топиш

йуллари ва усуллари хакидаги масала низога сабаб булди. Лекин мунозаралар энди бошланаётган эди. Умумий куч-гайрат сарфланиб, - бу нарса съезд революциясида кайд килинган - куйидаги карорга келинди: "Харажатидан кура даромади купрок булган саноатига голиб чикиши мумкин".

Бинобарин, корхоналарнинг интенсив ишлашига умид килинди, бу иш, биринчидан, уларнинг таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш билан кушиб олиб борилиши керак эди. Рентабеллик ва мехнат унумдорлигининг усиши фойда хажмини мунтазам купайтиради, бу эса давлат секторининг кенгайтирилган такрор ишлаб чикаришини, мамлакатнинг индустрия асосида кайта курилишини таъминлайди, деган мулохаза борилган эди.

Бу даврга келиб мамлакат кишлок хужалиги тахминан 70 процент 39 процент даражасига кайта тикланган эди. Кайта тиклаш завод ишлаб чикаришни буюмларининг киматлашуви, иккинчи томндан эса, кишлок хужалик товарларининг арзонлашуви олиб келди. Дехконларнинг харид кобилияти пасайди. Натижада агар 1913 йилда дехкон бир пуд жавдар 5,7 аршин чит согтиб олган булса, 1923 йилда факат 1,5 АРШИН, ЯЪНИ ДЕЯРЛИ 4 БАРАВАР КАМ ЧИТ ОЛИШИ МУМКИН. Дехкон тахминан уч баравар кам канд-шакар сотиб олишга кодир эди. Урта хисобда жавдарнинг хариб кобилияти ун йил ичида 1913 йил даражасидан 25-40 процентга камайди. 1913 йилда дехкон 6 пуд бугдой эвазига олиши мумкин булган плуг 1923 йилда турт баравар куп харажтни талаб килар эди, пичан уриш магинасининг нархи эса 125 пуддан 544 пуд бугдой нархига етиб колди ва хакозо. Ана шу тафовут натижасида кишлок амалда 5000 миллион сумдан, яъни узхарид кобилиятига эга булган талабининг ярмидан махрум булиб колган эди.

Куп жихатан энг юкори фойда олиш тарафдорларининг хаддан ошишлари окибатида саноат товарлари нархининг кутарилиб кетганлиги саноатнинг узига хам салбий таъсир курсатди. Масалан, супперфосфот нархининг ошиши аввалига химия саноати тармоги рахбарларини хурсанд килди. Корхоналарда фойда анча усди, деб умидвор булган эдилар, ammo бундай киматчилик мутлако фойдали булиб чикмади. Угитга булган талаб кесикн пасайди, товар тупланиб колди.

Саноатнинг бошка тармоқларида ҳам худди шундай ҳолат руй берди.

Назорат опшириклари:

1. Совет давлатининг 1920 йилларида олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсатларини салбий оқибатларини айтиб бериш?

2. 1920-39 йилларда сиёсий муносабатлар ҳақида нималарни биласиз?

3. Совет давлатининг шу йиллардаги олиб борган ички сиёсаига халқаро ҳамжамиятнинг эътибори?

3-асосий савол:

Сталик диктатураси. Совет давлатинингташки сиёсати.

МАКСАД: Совет давлатида маъмурий-буйруқбозлик системасининг вужудга келиши, шахсга сиғиниш, Сталик яккахокимлигининг урнатилиш шарт-шароитларини тушунтириб бериш ва халқ хужалигидаги ишларнинг орқага кетиш, шунингдек, ташки сиёсат бобида олиб борилган ишлар ва уларнинг ижобий ва салбий оқибатлари тугрисида сузлаб бериш. Уша даварга объектив баҳо бериш.

Идентив укув мақсадлари:

1. Маъмурий-буйруқбозлик системасининг вужудга келишини гапириб беради.

2. Сталин давлатининг ташки сиёсат бобидаги ижобий ва салбий ҳаракатларига баҳо беради.

3. Сталик диктатурасининг асл моҳияти нималардан иборат эканлигини тушунтириб беради.

4. 1920-1939 йилларда Совет давлати ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини еритиб беради.

3-савол баёни:

Тугри, дастлабки мулжалларга кура, гитлерчилар "ҳаётий кенглик"ни таъминлаш буйича ҳарбий операцияларга 1942-1945 йилларда киришишни мулжаллаган эдилар. Бирок вужудга келган вазият бу операцияларни бошланишини тезлаштириди. Биринчидан, Германиянинг ҳарбийлашуви учун куролли кучларнинг тезлик билан узиши гитлерчилар учун ички кийинчиликларни келтириб чиқарди. Мамлакатда аҳолининг

норозилигини тугдириши мумкин булган молиявий-иктисодий танглик хавф солар эди. Гитлерчилар пайдо булган кийинчиликларни бартараф этишнинг энг одий йули бошка мамлакатларнинг бойликларини босиб олиш хисобига иктисодий базани кенгайтиришда деб билдилар. Бунинг учун эса урушни бошлаш керак эди.

Иккинчидан, инлиз-фаранцуз-америка лагери хукмрон дораларининг бепарволик билан йул куйиббериши Германия ва бошка фашист-милитаристик давлатларни агрессив харакатларни тезликда бошлаб юборишга ундар эди. Нацистлар Германияси кушшинларининг 1936 йил мартда Рейн милитаризациясизлаштирилган зонасига бостириб кириши жазосиз колди. 1936 йил езида испанияга Италия-германия интервенцияси бошланган пайтда гарб давлатлари узларининг "рашалшмасликларини" маълум килдилар ва бу билан агрессорларга йул куйиб бердилар. 1937 йилнинг июлида Япониянинг Хитойга хужум килиши хам гарб давлатларининг каршилигига учрамади.

Гарб давлатлари хукмрон доираларининг фашист агрессорларга нисбатан юмшоклиги 1938 йил сентябрда Мюнхен келишуви билан айникса намойиш килинди. Англия Чехославакияни курбон килди. Германияни атайлаб СССРга карши куйди. Бу масалада Франция уни куллаб-кувватлади.

Харбий-сиёсий рахбарлик томонидан кабул кмилинган боскинчилик концепциясига мувофик Германия душманларини бирин-кетин, дастлаб кучсизлирокларини, сунгра кучлиларни тор-мор килиш учун уларга изчил зарбалар беришни мулжалагшан эди. Факат харбий воситалардангина эмас, балки Германиянинг душманлари бирлашишига йул куймаслик мақсадида сиёсат, дипломатия ва пропаганданинг турли методларидан фойдаланиш хам назарда тутилар эди.

Гарб давлатлари фашистлар Германиясининг боскинчилик ниятларини билган холда унинг агрессиясини СССРга карши йуллашга интилишди. Уларнинг пропагандаси Кизил армиянинг кучсизлиги, совет мамалакт ичкарсининг мустахам эмаслиги хакида тинимсиз жар солар, СССРни " новдаси мурт бошок" сифатида курсатар, социализмга уруш оловига тортишга интилар эди.

Нацистлар матбуотида ҳам СССРнинг кучсизлиги хақидаги фикрларни куплаб учратиш мумкин эди. Бу инглиз-француз-америка лагери хукмрон доираларининг Германия экспансияси шаркка йуналиши мумкинлиги хақидаги умидалрини учкунлантитар эди. Бирок герман бош шатаби 1938-1939 йиларда Кизил Армияни жиддий душман сифатида бахолар, у билан тукнашишни хозирча мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблар эди.

Шу муносабат билан генераллар - вермахт олий бош кумондонлиги шатабининг бошлиги В. Кайтель ва куукликдаги кушинлар бош кумондони В. Браухичнинг фикрлари характерлидир. Гитлернинг агар рейх Польшага хужум килса-ю, Франция билан Англия унга ердамга келишса иш нима билан тамом булади, деган саволига хар иккала генерал Германия Польшани бир ой ичида юир екли килади, деб жавоб беришган, Кайтель шунингдек, Германия сунгра франция ва Англияни ҳам тор-мор килади, деб ҳисоблар эди. Германияга карши Совет Иттифоки ҳам урушга кирган такдирда, Браухичнинг фикрича, у "мағлубиятга учрайди".

Гарчи бундан сал илгари Риббентроп Польша ҳукуматига "Россияга нисбатан умумий сиёсат" юритишни таклиф килган булса ҳам фашистлар раҳбарияти уз душманларининг кучларига бериглаг бахога асосланиб агрессиянинг биринчи курбони сифатида Польшани мулжаллади. Польша Берлиннинг вассали булишни рад этгандан кейин эса гитлерчилар уни харбий йул билан тинчителишга карор килишди. Бунда улар кучли душман саналган Совет иттифоки билан буладиган уруш кейинрок муддатга сурилиши фактини ҳисоббга олдилар.

1939 йил май ойидан, СССРнинг Англия ва франция билан музокаралари бошланган пайтдан, Германия ташки сиёсат идораларининг ходимлари СССР нинг Берлиндаги вакиллари билан изчили алоқагакиришиб, хар хил расмий ва норасмий усуллар билан Германиянинг СССР билан яқинлашилишга тайер эканлигини билдирилишга интилдилар. Совет ҳукумати 1939 йил августида узаро ердам тугрисида инглиз-француз совет шартномаси тузилишига умид килиш мумкин булганига кадар, Германия томонидан амалга оширилатган куйнига кул солиб курилишни жавобсиз колдирди, бирок бир вақтнинг узида унинг харакатларини диққат билан кузатиб борди. Совет дипломатлари

ва разведкачилардан Германиянинг мақсадлари ҳақида Москвага ахборот келиб тушди.

Ғарчи хат антоним булсада, унинг мазмуни у Германия ташқи ишлар министрлигига алоқадор эканлигига ҳеч бир шубҳа қолдирмас эди. Хатнинг антонимлиги Германия ҳукуматини билдирилган таклиф учун жавобгарликдан соқит қилар, лекин унга совет раҳбариятининг бу хатга муносабатини билиш имконини берар эди. Хат Москвада унга қармоққа илинишларир умидидаги узига хос тузук эди. Берлиннинг умиди оқланди. СССР нинг Германиядаги ишончли вакили Г.А. Асхатов хатни зудлик билан Москвага жунатди. Москвада унинг тексти ВКП(б) Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзоларига маълум қилинди. Бу вақтда Берлинда Г.А. Асхатовнинг Германия ташқи ишлар министрлиги ходимлари билан бир неча норасмий учрашувлари булиб ўтди. Бу учрашувларда совет-герман муносабатларини яхшилаш тугрисидаги масала қутариб чиқилди. Немислар томони СССР билан имкон борича тезроқ, Германия Польшага ҳужум қилишига қадар, битимга эришишга интилди. Совет ҳукуматининг қутиш позицияси герман раҳбариятининг манфаатларига зид эди. Ана шу 2 августда Германия ташқи ишлар министри билан Қора денгизишача булган территорияга нисбатан мавжуд барча муаммолар юзасидан ҳеч бир қийинчиликсиз келишлари мумкинлигини расмий равишда муълум қилди.

Совет ҳукумати Берлиннинг қистовига ўлмади, аммо 15 августда бошланган совет-герман муносабатларини яхшилаш ҳақидаги музоқаралардан Ғарб давлатларига, биринчи навбатда Англияга дипломатик таъсир қурсатиш учун фойдаланиб қолишга қарор қилди. Мана шу мақсадда, тахмин урилиш мумкин, В.М. Молотов 1 августда АКШнинг СССР даги элчиси Л.Штейнгардни қабул қилди ва уни Ф. Шуленбургнинг ташрифи ва Германия ҳукуматнинг ҳужум қилмаслик тугрисидаги Совет-Германия шартномасини тузиш, шунингдек СССР билан биргаликда Болтиқбуйи давлатларига мустақиллик қафолатини бериш ҳақидаги таклифларидан хабардор қилди. Совет ҳукумати мулжал қилганидек, элчи бу ҳақда зудлик билан Вашингтонга хабар қилди. 17 августда АКШ давлат сретарининг уринбосари С.Уэллес инглиз элчиси Р. Лндсейга СССР билан Германия

уртасида битим тузилиши мумкинлиги хакида Москвадан олинган аборотни берди.

20 августда Гитлер И.В. Сталинга мактуб билан мурожат килди. Мактубда 22-да еки энг кечи билан 23 августда "хужум килмаслик тугрисидаги битимни тузиш ва имзолаш учун барча фавкулодда ваколатлар бериладиган" Германия ташки ишлар министрине кабул килиш таклиф килинди. Шундай килиб, гоят мухим карорлар кабул килинишига жуда оз вакт ажратилган эди. Советлар мамлакатига ер куррасининг анчагина кисмини камраб олишга улгурган уруш туфони хавф сола бошлади. Бу туфондан четга чикиб олиш учун вужудга келган ахволни тугри бахо беришга асосланган кечиктириб булмайдиган харакатлар килиш талаб этилар эди.

Совет хукумати олдида Германиянинг таклифини кабул килиш керакми еки рад этиш керакми? Деган савол турар эди.

Маълумки, таклиф кабул килинди. 23 август эрталаб Риббендаги музокаралар бир кун ичида тамом булди. 23 август кун охирида 10 йил муддтга хужум килмаслик тугрисидаги Совет-Германия шартномаси имзоланди. У Совет иттифоки ташки сиёсатидаги кескин бурилишни англатар эди. Шартнома жахондаги харбий сиёсий вазиятга анчагина таъсир курсатди. Шунингдек СССРнинг ташки хаётига хам баъзи бир даражада таъсир килди.

Назорат топшириклари:

1. Совет давлатида шахсга сигиниш даврини аниклайди.
2. Унинг шарт-шароитлари ва окибатларини билади.
3. Совет-Герман шарномасидаги асосий омиларни курсатиб беринг?.
4. Нима учун шартнома Германия учун тактик кадам эди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Фураев. Энг янги тарих. Т., 1989.
2. Сиёсий партиялар -справочник Т.,1968.
3. Сшунов В.Н. Новейшая история Франции. М.,1979.
4. Навиков Г.Н. Голлизм после де Голя. М.,1984.

**8-мавзу: Европа ва АКШ давлатлари II жахон уруш
йилларида.**
(4 соат маъруза).

Асосий саволлар:

1. Совет давлатининг ички сиёсати.
2. Ижтимоий - иктисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши.
3. Сталин диктатураси. Совет давлатининг ташки сиёсати.
4. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тузилиши ва Гитлерчилар Германиясининг таслим булиши.

Таянч ибора ва тушунчалар: Совет, давлат, сиёсат, туруглик, катагон, харбий лашкарбоши, коллективлаштириш, НЭП, мафкура, Сталинизм, диктатура, манфий протокол, Мюнхен битими, Пулат паст бетараф, НКВД, ГПУ, учник, бешлик, мустакил, 1959 йил, 1956 йил, шахсга сизиниш.

1-асосий савол:

Совет давлатининг ички сиёсати.

МАКСАД: 1917 йил октябрь воқеаларидан сунг барпо булган Совет давлатининг шаклланиши, у олиб борган ички ва ташки сиёсат. Унда В.Лениннинг роли, коллективларштириш. Янгича иктисодий сиёсат натижалари хакида тушунча бериш. Мамлакат иктисодий-ижтимоий турмуш тарзининг тушиб кетиши ва бунда совет хукуматининг камчиликлари тугрисида гапириб бериш ва мохиятини талабаларг етказиш.

Идентив укув максадлари:

1. Октябрь воқеалари ва Россияда совет хокимиятини урнатилишини сузлаб беринг?.
2. Совет хокимиятни дастлабки йиллардаги олиб борган ички ва ташки сиёсатини аниқланг?.
3. Ушбу даврда Совет хокимиятида ишчи ва дехконларнинг ахволи, турмуш тарзини тушунтириб беринг?.
4. Совет империясининг шаклланишини тулик баён килиб беринг?.

1-савол баёни:

1929-1933 йиллардаги жахон иктисодий кризиснинг энг мухим окибатиларидан бири империалистларга зиддиятларнинг кескинлашуви булди. Биринчи жахон урушидан кейин голиб давлатлар вужудга келтирган жахоннинг тузилиш системасида чукур упирилишлар вужудга келди. Енгилган мамлакатлар реванш олишга ва уз ракобатчиларидан устун келишга интилардилар. Капиталистик дуне мамлакатлари уртасидаги муносабатлар хаамиша , энг, аввало, кучли давлатнинг заиф давлатни бостиришга, зуравонлик ва узбошимчаликнинг хукмрон булиши асосида курилган эди. Зиддиятлар кескинлашувининг манбаи империалистик давлатлар иктисодий ва сиёсий ривожланишининг бир текисда эмаслигининг кучайишидан иборат эди.

30 йилларнинг бошалрида, бир томондан, Германия, Италия, Япония уртасида, иккинчи томондан, Буюк Британия, Франция, АКШ уртасида зиддиятлар сезиларли равишда кучайиб кетди. Агрессия фашист давлатлари ташки сиёсатининг асоси булиб колди. Бу давлатлар биринчи социализм мамлакати-СССРни йук килишга, шунингдек, дунени уз империалистик ракибларини тормор келтириш йули билан хам булиб олишга интилар эдилар. Агрессорлар янги жахон урушига тайёргарлик куриш ва уни бошлашни асосий вазифа деб билиб, ер шарида уз хукмронлигини урнатишга интилардилар. Буюк Британия, Франция ва АКШнинг хукмрон доиралари фашист агрессорларининг СССР га хужум килишга ундашар, бунда хар иккала томоннинг урушда холдан тойишига ва урушдан кейин дунеда уз мавкеларини кучайтиришга умид килардилар.

Империалистларга зиддиятларнинг кескинлашуви антисовет фитнаси булиши мумкинлигини асло истисно килмасди. Антикомунизм заминида айни вақтда фашист давлатларининг агрессив ташки сиёсий йули ва агрессияни рағбатлантириш сиёсати утказиб келинди, бу йулга халкларнинг манфаатларига зид уларок, 30-йилларда Буюк Британия, Франция ва АКШ зур бериб амал килиб келдилар.

Националист хокимият тепасига келгандан кейин Германия янги жахон урушининг асосий учогига айланди. Гитлер фашизм Европани асоратга куйиб, жахонга хукмрон булишга интиларди. Гитлер фашизм Европани асоратга солишни узининг биринчи

даражали вазифаси килиб куйиб, жахонга хукмрон булиб олишга интиларди. Гитлерчиларнинг планлари шарқда "Хаёт маконини" кулга киритишни, яъни Европани "большевизм хавфидан" халос килиш мақсадида СССР га карши харбий юриш ташкил этишни назарда тутарди.

Немис фашистларининг ниятлари АКШ. Буюк Британия ва Франциянинг реакцион доиралари томонидан хайрихохлик билан ва демократик харакатларга карши курашиш учун имперализмнинг зарбдор кучи сифатида фойдалнишга умид килган эдилар. Америка ва инглиз молия-саноат магнатларининг немис монополиялари билан куп йиллик алокалари Германияни "тинчлантириш" сиёсатининг иктисодий асоси булиб хизмат килди. Гитлерчилар уз навбатида антисовет фитнаси заминида гарбий давлатлардан бирмунча ён беришларга эга булиш чораларини курдилар. Аввало улар Версаль шартномасининг харбий моддалрини кайта куриб чикишга интилдилар.

Назорат опшириклари:

1. Россиядаги октябрь воқеалари натижасида мамлакатда кандай ахвол юзага келди?
2. Совет хокимияти ички ва ташки сиёсатида кандай принципларга амал килди?..
3. Мамлакат ахолисининг турмуш даражаси 1918-1939 йилларда кай ахволда эди?
4. Совет империяси даврида маъмурий буйрукбозлик системасининг вужудга келиши ва окибатларини гапириб беринг?

2-асосий савол:

Ижтимоий-иктисоди ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши.

МАКСАД: Совет давлатида 1920-1939 йилларда ижтимоий - иктисодий ва сиёсий муносабатларини ривожланиши даражаси тугрисида сузлаб бериш ва уни барча жабхаларини очиб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. 1920-1939 йилларда Совет давлатида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини курсатиб беради.
2. Совет давлатида сиёсий муносабатларни ахволини баён қилиб беради.
3. 1920-39 йилларда Совет давлатида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни натижалари ва камчиликларини аниқлайди.

2-саволнинг баёни:

Жахондаги миллионлаб одамлар совет-герман frontiдаги ахволни катта ачиниш ва диққат билан кузатардилар. Улар борган сари уз давлатларининг келгуси фаолияти ва уз тақдирлари Россиянинг герман боқинига қарши тура олиш қобилиятига боғлиқлигини тушинишмоқда эди. Буюк Британия, АКШ ва бошқа мамлакатларда совет халқи билан бирдамлик ҳаракати қанот ёзди, агрессияга қарши курашда фаол ёрдам беришга киришилди.

Англия ва Америка буржуазияси орсидаги узокни қурувчи тадбиркор сиёсий арбоблар СССР билан ҳамкорлик қилиш уларнинг узлари учун зарурэканлигини яхши тушунардилар. Фашист агрессорлари Британия империясининг ҳаётига, АКШ ҳавфсизлигига таҳлика солаётганини улар қуриб ишонч ҳосил қилган эдилар. 1941 йил июлда СССР билан Англия Германияга қарши урушда биргалашиб ҳаракат қилиш ҳақида битим туздилар. Уч давлат - СССР, АКШ ва Англиянинг 1941 йил 29 сентябрь - 1 октябрда бўлган Москва конференциясида Англия ва Америка томонидан Совет Иттифоқига яқин 9 ойда қурол-аслҳа ва стратегик материаллар етказиб бериш ҳақида қаро қабул қилинди. Уз навбатида СССР ҳам АКШ ва Англияга ҳарбий ишлаб чиқариш учун хо-ашё етказиб бериш мажбуриятини олди. Қурол-аслҳа АКШ ҳукумати Совет Иттифоқига 1 миллиард доллар миқдорда қредит берди ва лендлиз ҳақидаги қонуннинг амалини СССРга ҳам жорий этди.

Шундай қилиб, 1941 йилда антифашист қоалиция тузишга асос солинган эди. Лекин иттифокчиларнинг Совет Иттифоқига қурол-аслҳа ва ҳарбий ағжомлар етказиб беришлари номунтазам эди, қурол ва материаллар жуда узилиб-узилиб қеларди ва

урушнинг биринчи йилида унинг СССР учун амалий ахамияни булмайдди.

1941 йилнинг охирига келиб уруш ҳаракатлари Тинч океани хавзасига ёйилди. Ёз фаслидаёқ Япония Хинди-Хитойни босиб олган эди. Япония Индонезияни, АКШ ва Англиянинг Тинч океанидаги ерларни босиб олишга кенг микёсда тайёргарлик курмокда эди. Аунӣ апйтда Япон ҳукумати Япония-Америка муносабатларини тартибга солиш хакида АКШ ҳукумати билан музокаралар ҳам олиб борди. Бу музокаралардан мақсад АКШнинг хушёрлигини йукотиш ва Америка флоти базаларига тусатдан зарба беришга тайерланиш учун фурсатдан фойдаланиб қолиш эди. Япониянинг ҳукмрон доиралари АКШ импералистлари япон қуролли қучларининг СССРга ҳуджум қилиши муқаррарлигига ишончлари қомил эканлигини ва шунинг учун агрессияга қарши зарба беришга тайёрланмаётганликларини билардилар.

Назорат топшириклари:

1. Совет давлатининг 20-йилларида олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсатларини салбий оқибатларини қурсатиб беринг?

2. 1920-39 йилларда сиёсий муносабатлар хакида нималарни биласиз?

3. Совет давлатининг шу йиллардаги олиб борган ички сиёсатига қандай қарайсиз?

3-асосий савол:

Сталин диктатураси. Совет давлатининг ташқи сиёсати

МАҚСАД: Совет давлатида маъмурий-буйрқбозлик системасининг вужудга қелиши, шахсга қигиниш, Сталин яққаҳоқимлигини урнатилиши, оммавий қатагонларни бошланишига баҳо бериш. Халқ ҳужалигида орқага қетиш, шунингдек, ташқи сиёсати қобида олиб қорилган ишлар ва ижобий ва салбий оқибатлари тугрисида сузлаб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. Маъмурий буйрукбозлик системасини вужудга келишини билади.
2. Сталин диктатураси асл мохиятини очади.
3. Совет давлатининг ташки сиёсат бобидаги ижобий ва салбий харакатларига бахо беради.
4. 1920-39 йилларда Совет давлати ижтимоий-иктисодий ва сиёсий хаётини ёритиб беради.

3-савол баёни:

1944 йилнинг биринчи ярмида Кизил Армиянинг бир катор йирик жанговар операцияларини муваффакиятли утказилганлиги гитлерчилар кушинлари томонидан босиб олинган СССР худудини душмандан озод килишни якинлаштирди. Фронтнинг бир канча йуналишларида совет кушинлари давлат чегарасига чикиб олишди. Германиянинг асосий куролли кучлари Шаркий фронтда тупланиб колганлиги иттифокчилар армиясини китъага тушириш учун кулай вазиятни яратди. Иккинчи фронтни очишни яна хам чузиш мумкин булмади. 1944 йилнинг 6 июнида иттифокчиларнинг генерал Дуайт Эйзенхауэр кумондонлигидаги экспедицион куролли кучлари Франциянинг Нормандия сохилларига тушди. Бу уруш мобайнидаги энг йирик десант операцияси эди. Иттифокчилар кушинлари аста-секин Шаркка томон силжий бошладилар. Германия икки фронтда жанг килишга мажбур булди. Антигитлер коалициясининг куролли кучлари энди умумий душманга карши биргаликда жанг килабошладилар.

Иттифокчиларнинг кучлари август ойида Франциянинг жанубига тушди, бу ер озодилк кураши билан камраб олинган эди. Партизанлар бутун-бутун депатаментларни гитлерчилардан тозаламокчи эдилар. Париж озодлик кумитаси ва Умумбирлик конференцияси чакиригига биноан 19 августда пойтахтда куролли кузголон бошланди, бунинг натижасида нацистлар горнизони тор-мор келтирилди. Мамлакатни озод этишда "Курашаётган Франция" кушинлари иштирок этди, унинг рахбари генерал де Голль Парижга келди. Француз ватанпарварлари уз ватанларининг тула озод булгунига кадар

кураш олиб бордилар. 1944 йилнинг охирига бориб, иттифокчилар гитлерчиларни Франция тупрогидан, Бельгия ва Марказий Италиядан хайдаб чиқардилар.

Кизил Армиянинг хужумлари натижасида Германия муҳим хом ашё ва озик-овқат манбаларидан маҳрум бўлди. Иккинчи фронт очилганидан сунг "Рейх"нинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий аҳволи тагин ҳам ёмонлашди. Ҳарбий ишлаб чиқариш суратлари пасайди. Ишчи кучлари етишмас эди. Нацистлар идора услубининг инкирози кучаймоқда эди. Бир грух генераллар, олий амалдорлар ва молия магнатлари Гитлерга қарши фитна уюштирдилар. Фитначилар "фюрер"ни бир ёкли қилиб, Англия ва АКШ билан сепарат сулҳ тузмокчи ва СССРга қарши биргалашиб ҳаракат қилмокчи бўлиб қелишиб олмокчи эдилар. Бирок, 1944 йил 20 июлда Гитлерга қарши фитна уюштирдилар. Фитначиларнинг бири томонидан Гитлер қароргоҳида қуйилган бомба ёрилди-ю, лекин Гитлер тирик қолди. Фитна қатнашчилари саросимага тушиб қолишди. Фитна қатнашчилари тез орада улар қулга олиниб, қатл этилди.

Фашистлар Гитлерга суиқасд қилинишидан фойдаланиб, мамлакатда террорни кучайтирдилар, бунинг натижасида нафақат суиқасдга алоқадор кишилар, балки қуплаб коммунистлар ва социал-демократлар ҳам қатагон қурбони бўлдилар.

Назорат топшириқлари:

1. Совет давлатида шахсга сизгиниш даврини аниқланг ва уни оқибатларини сузлаб беринг?
2. Оммавий қатагон сабабалри нималардан иборат эди? Салбий оқибатлари-чи?
3. II жаҳон уруши арафасида Совет давлати олиб борган ташки сийосатни баён қилиб беринг?

4-асосий савол:

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тузилиши ва Гитлерчилар Германиясининг таслим бўлиши.

МАКСАД: БМТнинг ташкил топиш шарт-шароитларини айтиб бериш ва Давлат бошлиқларининг конференциялари

хакида тушунча бериш. БМТ олдида турган долзарб муаммоларга бахо бериш. "Катта учлик" учрашувининг асл мохият ва окибатларини очиб беришдан иборат.

Идентив укув мақсадлари:

1. БМТнинг ташкил топиш шарт-шароитларини билади.
2. БМТга қайси давлатлар аъзо эканлиги саниди ва ҳозирги кундаги олиб бораётган ишларига бахо беради.
3. "Катта учлик" учрашувининг асл мохиятини аниқлайди.

4-савол баёни:

Гитлер ва унинг шериклари АКШ ва Англияни қуч ишлатиб, Гитлер ва унинг шериклари АКШ ва Англияни қуч ишлатиб, Германия билан сепарат сулҳ тузишга мажбур қилмоқчи бўлдилар. 1944 йилнинг декабрида гитлерчилар ГАРБИЙ ФРОНТДА Арденин районида ҳужумга утиб, иттифокчилар қушинларга жиддий зарба бердилар. Черчилль ёрдам сураб Сталинга мурожаат қилди. Қизил Армия иттифокчилик бурчини адо этиб, белгиланган муддатдан илгари, 1945 йилнинг январида Болтик денгизидан то Карпатгача - кенг фронт бўйлаб қучли ҳужумга утди.

Февралнинг охиригача давом этган бу ҳужум Польшани озод қилиш билан яқунланди. Ҳарбий ҳаракатлар Германия тупроғига қучирилди. Иттифокчилар ГАРБИЙ фронтда уз кадрларини ростлаб қарши ҳужумга утдилар. Улар тез орада рус саноат областида немис қушинларининг йирик гуруҳини қуршовга олдилар ва таслим этдилар.

Уч давлат қарорига мувофиқ 1945 йилнинг 25 апрелида Сан-Францискода фашизмга қарши иттифок мамлакатларининг конференцияси очилди. Конференция *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* (БМТ) таъсис этди ва унинг Уставини қабул қилди. БМТ, унинг барча аъзолари суверен тенглиги ва халқларнинг уз тақдирини узи белгилаши, улар уртасида ҳамкорликнинг кенг қуламда авж олдириш принципида тузилди. БМТ олдига халқаро тинчликни ва ҳавсизликни таъминлаш, янги уруш ҳавфини олдини олиш ва бартараф қилиш вазифалари қуйилди. Умумий тинчликни сақлаш юзасидан асосий жавобгарлик Ҳавсизлик

Кенгашига юкланди. Уткир мунозаралардан сунг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг (СССР, АКШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой) бир огиздан овоз бериш принципи кайд этилди. Бу Ялта конференцияси таклифи эди. Бу - беш давлатдан хар бири уз манфаатлари тугри келмайдиган карорларга "вето" (такик) куйиш хукукига эгадир деган маънони билдиради.

1945 йилнинг 17 июлидан 2 августига кадар Потсдамда (Берлин якинида) СССР, АКШ ва Буюкбритания хукуматлари бошликларининг учинчи конфекренцияси булди. Конференция ишида И.В. Сталин, Г.Трумэн ва У. Черчилль катнашдилар. Трумэн Рузвельт вафотидан кейин 1945 йил апрелда президентлик лавозимини бажаришга киришган эди. Конференция иши давомида парламент сайловларида лейбористлар галаба килингандан кейин Буюкбритания бош вазири булган К.Эттли Черчилль урнига иштрок этди. Потсдом конференцияси урушдан кейин дуненинг тузилишига багишланган эди. Коференция иттифокчиларининг Германияга нисбатан тутадиган сиёсати принципларини ишлаб чикди. Бу хусусидаги битимда Германияни батамом куролсизлантириш, фашизмни таг-томири билан куриштиш, харбий жиноятчиларни жазолаш, мамлакатнинг сиёсий холатини демократик асосида кайта куриш, Германия саноатини тинчкорлик асосида ривожлантириш кузда тутилган эди.

Конференцияда Шаркий Пруссиянинг сохил буйи кисмини Кенгсберг билан СССРга, колган кисмини эса Польшага беришга карор килади. Коференция Польшанинг Гарбий чегаралари Одер (Одра) ва Гарбий Нейсе дарёлари буйлаб утиши хакида хам карор кабул килди. Шундай килиб, азалдан поляк тупроги булиб келган ерлар яна Польшага кайтариб берилди. Коференция янгидан тузилган ташкилот ташки ишлар вазирлари Кенгашига Германиянинг собик иттифочилари билан сулх шартномаларини таёерлаш билан хамда Германия билан тузиладиган сулх шартномасининг шартларини хозирлашни топширди: Ташки вазилари кенгаши СССР, АКШ, Буюкбритания, Франция ва Хитой вакиллари таркибидан иборат килиб таъсис этилди.

У еки бу сулх битмларидаги шартлари ишлаб чикиш голиб давлатларга, енгилган мамлакатнинг таслим булганлик хакидаги хужжатга имзо чеккан мамлакатларга берилди. Конференция карори билан асосий фашист харбий жиноятчилари устидан суд

килиш учун харбий трибунал тузилди. Урушдан кейин Нюрнбергда булган судда гитлерчиларнинг инсониятга карши килган энг огир жиноятлари очиб ташланди ва фош этилди. Бутун дуне фашизмнинг нихоятда жирканч башарасини яна бир марта курди. Суд фашист бошликларини каттик жазолади.

Назорат топшириклари:

1. "Катта учлик" учрашув натижалари урушнинг якунловчи боскичини аникланг?
2. 1945 йил 25 апрелда Сан-Францискода фашизмга карши конференция очилди. Бу конференцияда кандай ташкилот таъсис этилди?
3. Нейсе дарёсининг бошкача номини айтинг?
4. Кайси конференция дуненинг урушдан кейинги тузилишига багишланган эди?

Фойдаланилган адбиётлар:

1. В.Фураев. Энг янги тарих Т.,1993 й. 1917-39й.
2. Сиёсий партиялар. Маълумотнома .М.-1968.
3. А. Чаковский, Галаба сиёсий очерк. М -1991.
4. В.Мальков , Ф. Рузвельт. Проблемы внутренней политики и дипломатии.
5. Г.К. Жуков. Воспоминания и размышление . М.-1985.
6. Энциклопедия. 2 кисм Москва 1990.

9-мавзу: 1918-1939 йилларда халқаро ишчилар ҳаракати

Режа:

1. 1918-1923 йилда халқаро ишчилар ҳаракати.
2. 1924-1929 йилда халқаро ишчилар ҳаракати.
3. Иқтисодий инқироз ва иккинчи жаҳон уруши арафасида ишчилар ҳаракати.
4. 1918-1923 йилда халқаро ишчилар ҳаракати

1919 йил халқаро ишчилар ҳаракати ва коммунистик ҳаракатнинг бош штаби – III Коммунистик интернационал тузилди. Коммунистик интернационалнинг ташкил топишига қадар халқаро ишчилар ҳаракатида Россиядаги большевиклар партияси Интернационалдаги реформистларга қарши узоқ кураш олиб борди.

Уруш натижасида ва Россиядаги давлат тўнтариши остида бир қатор мамлакатларда революцион юксалиш бошланди. 1918 йил бошида Финляндия ишчиларнинг революцион ҳаракати кучайди. Австрия-Венгрияда, Германияда оммавий сиёсий иш ташлашлар бўлиб ўтди. Май ойида Париж харбий заводлари ишчилари иш ташладилар. Сентябрда Болгарияда солдатларнинг Владай қўзғалони бошланди. Октябрь-ноябрь ойларида, Венгрияда, Австрияда, Германияда буржуа – демократик революциялар бўлди. Австрия-Венгрия империяси емирилди.

1919 йил январида Германияда революцион кураш кучайди. Март ойида Кореяда Япония империалистларига қарши кураш авж олди. Бу ва бошқа мамлакатлардаги курашлар революцион юксалишнинг тобора қсиб, социалистик партиялардан ажралиб чиқа бошладилар. 1918 йили Аргентина, Финляндия, австрия, Польша, Венгрия ва Германияда коммунистик партиялар тузилди. 1919 йил баҳорига келиб 30 та мамлакатда коммунистик партиялар ва шу мамлакатдаги социалистик партияларда сўл группалар вужудга келди.

1919 йил 2 мартда Москвада халқаро конференция очилди. Конференцияда 30 мамлакатдан 51 делегат иштирок этди. Конференцияда асосий масала III Интернационал тузиш масаласи эди.

Конференцияда III Интернационал ташкил қилинди. Бу интернационал Комитерн деб аталди. 4 марта конференция ўзини Комиитернини биринчи конгресси деб эълон қилди. Конгресс 6 мартгача давом этди. Конгресс Комитерннинг сиёсий платформаси, буржуа демократияси ва парламент диктатураси, социалистик оқимларига муносабат, халқаро ахвол масалаларини моҳокама қилди. Конгрессда Коминтернинг Ижроия қўмитаси сайлаш (КИИК).

1919 йил мартда Венгрияда, апрель ойида Баварияда, июнда Славкияда шўролар республикаси эълон қилинди. Коминтери Ижроия Комитети барча мамлакатлардаги ишчиларга мурожаат қилиб, уларни химоя қилишга чақирди.

1919-1920 йилда Франция, Италия, Англия, АҚШ, Испания ва бошқа мамлакатларда революцион ҳаракат ўса борди. Ишчилар иқтисодий ва сиёсий талабларни амалга ошириш учун курашни интерноционал вазифалар билан боғлаш, шўролар Россиясини қўллабқувватлаш асосида умумий иш ташлашлар намойиш ва митинглар ўтказилди.

1920 йил кузида Италияда ишчилар айрим завод ва фабрикаларни, деҳқонлар эса помещик ерларини тортиб олдилар.

Англияда пролетариатнинг стачка ҳаракати кенг қулоч ёйди. АҚШда 1919 йил стачкаларда 4 млн. дан ортиқ киши иштирок қилди. Ишчилар ҳаракатининг интервенциячилик сиёсатига қарши чиқдилар.

Революцион ёшлар ҳаракати ўам ўсди. Россия Коммунистик – ёшлар союзи (РКСМ) нинг ташаббуси билан 1919 йил ноябрида Берлин ёшларининг халқаро конгресси чақирилди. Бунда ёшларнинг Коммунистик Интерноционали (КИМ) тузилди. Конгрессда КИМ программаси ва устави қабул қилинди. Конгресс Комитерн составига кириш тўғрисида қарор қабул қилди.

1919-1920 йил АҚШ, Англия, Франция, Испания ва бошқа бир қатор мамлакатларда коммунистик партиялар ташкил топди. Бу партияларда, айниқса, Германия ва Англия компартияларда “сўл” группалар ва айрим “сўл” коммунистлар, ишчилар синфи партиясининг раҳбарлик ролини инкор этиб, “йўлбошчилар диктатураси”га қарши чиқдилар.

1920 йил 19 июндан 7 августгача дастлаб Петроградда, сўнг Москвада, Комитернинг II конгресси бўлди. II Конгрессда халқаро ахвол ва Комитернинг асосий вазифалари, миллий мустамлака ва аграр масалалар, Комитерига қабул қилишнинг шартлари ва бошқа бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Комитернга аъзо бўлиб киришнинг “21 шarti” қабул қилинди. Конгресс Комитернинг устави қабул қилинди. Уставда Комитернинг асосий вазифалари, унинг ташкилий принциплари, раҳбар органларининг роли, ўзаро муносабатлари баён қилинди.

1920-1921 йилларда айрим мамлакатларда юз берган иқтисодий инқироз заминида янги революцион юксалиш юз берди. Революцион ҳаракат асосан Антанта мамлакатларда авж олди. Шу шароитда бир қанча мамлакатларда коммунистик партиялар раҳбарлигида, янги революцион касаба союзлари тузилди. Шўролар касаба союзларининг ташаббуси билан касаба союзларининг Коминтернга кириш ҳаракати бошланди. 1920 йил июлида бир неча мамлакат Касаба союзларининг халқаро кенгашини туздилар. 1921 ил июлида Касаба союзларининг халқаро кенгашини туздилар. 1921 йил июлида Москвада жаҳон революцион касаба союзларининг 1 конгресси бўлиб, унда Касаба союзларининг Қизил интерноционали - Профинтери ташкил қилинди. 1921 йил Европада ишчиларнинг кучли оммавий чиқишлардан кейин революцион ҳаракат пасая бошлади. Изчил раҳбарликнинг бўлмаганлиги, компартияларни заифлиги, ишчилар синфи кучининг бўлганлиги туфайли пролетариат вақтинча мағлубиятга учради.

1921 йил июн – июл ойларида Москвада Комитернинг III конгресси бўлди. Конгрессда иқтисодий инқироз ва Комитернинг янги вазифалари, Комитерн ва РКП(б)нинг тактикаси ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди. Конгресс бир қанча тезисларни қабул қилди.

1922 йил ноябрь-декабрь ойларида Москвада Комитернинг IV конгресси бўлди. Конгресс фашизм хавфининг кучайганлигини кўрсатиб, бирлашган фронт тузиш учун кескин кураш олиб боришга чақирди.

1923 йил “Халқаро ишчилар ҳаракати” соҳасида бир қатор воқеалар юз берди. Германияда, Болгарияда, Польшада революцион жанглар бўлиб ўтди. Германияда революцион инқироз шароитида ишчилар синфи олдида ҳокимиятни қўлга олиш вазифаси турарди. Комитерн Ижроия Комитети Германияда шўролар барпо қилиниши, ҳокимиятни қўлга олиш учун курашга тайёрланишни талаб қилди. Коминтерн Ижроия Комитети Болгария Коммунистик партиясини деҳқончилик союзи билан бирлашган фронт тузишга чақирди. Бироқ 1923 йил революцион жангларда ишчилар синфи муваффақиятсизликка учради.

1924-1929 йилларда халқаро ишчилар ҳаракати

1924 йил бошига келиб халқаро революцион кураш вақтинча сусайди. Капиталистик мамлакатлар 1924 йилдан бошлаб барқарорлик даврига ўтдилар. Коминтерн капиталистик барқарорлик даврида ишчилар синфининг барча душманларига зарба бериб, компартияларни тобора мустахкамлаш учун ишлар олиб борди.

Коминтерн олдида турган энг муҳим муаммо-капитализмнинг вақтинча барқарорлик билан боғлиқ бўлган янги шароитга мувофиқ янги тактика ишлаб чиқишдан, айрим мамлакатлардаги алоҳида шарт-шароитларни ва улардаги компартияларнинг ўзига хос вазифаларини ҳисобга олиб барча компартиялар учун умумий масалаларни ўал қилишдан иборат эди.

1924 йил июн-июл ойларида Москвада Комитернинг V конгресси бўлди. Конгресс халқаро ишчилар ҳаракатини жипслаштириш масалаларини анализ қилиб, компартияларнинг янги шароитдаги вазифаларни белгилаб берди. Конгресс касаба уюшмалари орасида деҳқонлар орасида олиб бориладиган ишларга ва миллий масалага катта эътибор берди. Конгресс фашизмга қарши курашни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтди. V конгресс тарихга компартияларни “большевиклаштириш” конгресси бўлиб кирди.

Капиталистик стабиллашув, зиддиятларнинг кескинлашуви натижасида барча капиталистик мамлакатларда синфий зиддиятлар кучайиб кетди.

Англияда 1926 йилда умумий стачка, Австрия ишчиларининг 1927 йил қуроли, Сурия, Месопатамия, Индонезияда миллий-озодлик ҳаракатларнинг юксалиши, капиталистик стабиллашувнинг барқарорлигини кўрсатди.

1928 йил 17 июлдан 1 сентябргача Москвада Комитерннинг VI конгресси бўлди. Конгрессда халқаро ахвол кенг таҳлил қилинди ва биринчи жаҳон урушидан кейинги халқаро ишчилар ҳаракатининг ривожланиши даврлари, буржуазиянинг меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига хужум бошлаганлиги, капиталистик стабиллашув шароитда империализм зиддиятларнинг кескинлашганлиги кўрсатиб берилди. Конгрессда Комитерннинг программаси қабул қилинди. Программда жаҳон кн-м системасининг умумий тараққиёт қонунлари анализ қилиниб, капиталистнинг революцион йўл билан емирилиши ва коммунизм ғалабасининг муқаррарлиги баён қилинди. Программда Ғарбдаги ва Шарқдаги барча ком-к партияларни мустаҳкамлаш асосий вазифа қилиб кўйилди.

III. Иқтисодий инқироз ва иккинчи жаҳон уруши арафасида ишчилар ҳаракати.

1929 йил стабиллашув даври тугаб, жаҳон иқтисодий инқироzi бошланди. Инқироз ишчилар синфига ва барча меҳнаткашларга қашшоқлик ва катта фалокат келтирди. 1933 йил бутун капитал дунёсида 30 млн. ортиқ ишсиз бор эди. Инқироз энг кучайган пайтда АҚШнинг ўзида 15-17 млн. киши ишсиз эди.

Минопалистик капитализм ва фашизм кучая борди. 1931 йил Япония Манчжурияни босиб олди ва Узоқ Шарқда урушнинг биринчи ўроғи вужудга келди. 1933 йил Германияда фашистлар ҳокимиятни эгалладилар. Европада урушнинг иккинчи асосий ўчоғи вужудга келди.

Иқтисодий инқироз йилларида чнгидан революцион юксалиш юз берди; стачкачилик кураши ва ишсизлар ҳаракати янада кескинлашди: Хитойда революция кенгайиб ва чуқурлашиб борди: мустамлакаларда революцион кураш янада кучайди: деҳқонларнинг революцион ҳаракати ўсди.

1932 йил бир қанча компартияларнинг ташаббуси билан Япония империализмининг Узоқ Шарқдаги агрессиясига қарши Хитой халқини ҳимоя қилиш бошланди.

1932 йил августда Амстердамда барча прогрессив кучларнинг урушга қарши халқаро конгресси бўлиб ўтди. Конгресс Япониянинг Хитойга қарши агрессиясини қоралади. Урушга қарши доимий комитет сайланди, бунинг составига Анри Барбюс, М.Горький ва бошқа атоқли маданият ва жамоат арбоблари киритилди.

1934 йил Европада революцион ҳаракат янгидан юксала бошлади. 1934 йил Австрия, Франция ва Испанияда империализм ва фашизмга қарши оммавий жанговор кураш кучайиб кетди. 1936 йил Испанияда фашистлар билан демократия кучлари ўртасида гражданлар уруши бошланиб кетди.

Коммунистик партиялар-империализмга, империалистик агрессияга уруши хавфсига қарши ҳамиша олдинги сафда бордилар. 1935 йил июль-

августиди Москвада Коминтерннинг 7 конгресси бўлиб ўтди. Комитери ижроия комитети фаолияти тўғрисида В.Пик доклад қилди. Фашизмнинг хужуми ва фашизмга қарши ишчилар синфининг бирлиги учун курашда Коминтерннинг вазифалари тўғрисида Г.Дмитрев доклад қилди. Фашизмга ва урушга қарши бирлашган ишчилар фронти ҳамда антифашистик халқ фронти тузиш тўғрисидаги масала юзасидан қарор қабул қилинди. 7 конгресс тарихга фашизм ва уруш хавфига қарши бирлашган пролетар ва бирлашган халқ фронти тузиш конгресси бўлиб ўтди. Уруш хавфи кучайган бир пайтда бирлашган ишчи ва халқ фронти тузиш учун курашда айниқса Франция а Испанияда катта ютуқларга эришилди. Хар йили биринчи август куни урушга қарши кун сифатида нишонланди.

1935 йил Парижда маданиятни химоя қилиш конгресси ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида компартиялар фашизмга қаршилик кўрсатиш халқ харакатининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлиб, бу курашнинг олдинги сафида бордилар.

Иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда айниқса уруш йилларида халқаро ахвол мураккаблашди, хар бир мамлакатнинг революцион кураши ўзига хос хуссиятларга эга бўлди.

1943 йил 15 майда Коммунистик Интернационални тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор 22 майдан эълон қилинди, 10 июндан Коминтерн ва унинг ишчи органлари ўз фаолиятини тўхтатди. Коминтерн турли мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўртасида алоқаларини тиклади ва мустаҳкамлайди. Коминтерн бир қанча мамлакатлардаги илғор ишчилар авангардини чинакам ишчи-партияларга жипслашувига ва раҳбар революцион кадрларнинг ўсиб етилишига ёрдам берд. Лекин 30 йилларга келиб, коминтерн Сталинни “қулига” айланиб компартияларни ички ишларига тинмай аралашиб уларга нисбатан Катоғон сиёсатни олиб борди. Польша компартияси тарқатилди, коминтернни бир қатор фаоллари камоққа олиниб, қатл қилиндилар.

Бу даврда социалистлар, хотин-қизлар, касаба уюшмалари, ёшлар харакатлари ҳам авж олиб улар фашизмга урушга қарши ва тинчлик учун тинмай кураш олиб борган эдилар.

Адабиётлар:

1. Коммунистический Интерноционал: Крат.ист.очерк,М-1969.
2. Кривогуз И.М. Рабочий социалистический интерноционал (1923-1940) М, 1979.
3. Адиебеков Г.М. Профинтерн. М.1981.
4. Реабилитирован посмертно (Возвращение к правде) М, 1989.
5. Актуальнке проблемқ новейшей истории М. 1981.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Нима сабабдан III интерноционал тузилди ва у ишчилар харакатида қандай роль ўйнайди?
2. Нима сабабдан Социалистик интерноционал тикланди?
3. Урушга қарши харакатда хотин-қизлар, ёшлар, касаба уюшмаларни роли қандай бўлди.

10-мавзу: Хитой 1918 - 1939 йилларда.
(2 соат маъруза).

Асосий саволлар:

1. Хитой ижтимоий-иқтисодий тузумининг асосий хусусияти.
2. Сун Ятсен бошлик Гуанчжоу ҳукумати ва ягона фронтнинг ташкил топиши.
3. Япон агрессиясининг вужудга келиши.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Сун Ятсен, Гуанчжоу, демократизм, принциплар, Сунь Ятсен васиятлари, Ганконг, Чан Кайши, Мао Цзэдун, антияпон fronti, жахон уруши, ХХР ташкил топиши.

1-асосий савол:

Хитой ижтимоий, иқтисодий тузумининг асосий хусусиятлари.

МАКСАД: Хитой халқ Республикасининг 1920-1945 йиллардаги ижтимоий, иқтисодий тузумни узига хос ва асосий хусусиятларини очиқ бериш ва талабаларга сузлаб бериш.

Идентив укув максадлари:

1. Асримизнинг 20-йилларида Хитой давлатининг иқтисодий-ижтимоий тузумини баён қилади.
2. Хитойни узига хос тузумини аниқлаб, сузлаб беради.
3. Хитой халқининг ижтимоий аҳволидаги энг муҳим хусусиятини аниқлайди.

1-саволнинг баёни:

Колок аграр мамлакат булиб келаётган Хитой саноати 20-йилларнинг урталрига келиб, бир қадар ривожланди. У чет эл империализмига ярим мустамлака қарамлигида эди. Кишлоқда феодал муносабатлар ҳукмронлик қиларди. Қуп сонли милитаристик тудалар ҳукмронлиги сиёсий тарқокликка барҳам беришга ва мамлакатнинг бирлашувига тусқинлик қилади. Ишчилар синфи микдор жихатидан қуп эмас эди: 20-йилларнинг

бошларида Хитойдан қарийб 2 млн. ишчи бор эди. Бу мамлакат аҳолисининг бир фоизидан камроғини ташкил қиларди.

Фабрика - завод ишчилари асосан мамлакатнинг муҳим саноат марказларига туплаган эди. Бу ҳол пролетариатнинг салмоқли революцион қучга айланишига ердам бевари. Бироқ умуман олганда, Хитой пролетариати уша вақтда тарқок ва заиф эди.

ЖКП В.И. Ленин маслаҳатларига амал қилиб, ишчиларнинг илғор қисмини бирлаштиришга ва кенг пролетар оммасининг қасаба союзларига жиқслашувига ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Партия Хитойда социализм қуришни пировард мақсади деб ҳисоблаб, демократик революцияни амалга оширишни яқин орадаги вазифа сифатида илғари сурди.

Сунь Ятсен томонидан ҳали 1912 йилдаёқ асос солинган гоминьдан (миллий партия) миллий буржуазия ва унинг иттифокчилари манфаатларини ифодалар эди. 1923 йилда Сунь Ятсен мамлакатнинг жанубидаги йирик шаҳар Гуанчжоу (кантон) да ташкил этилган революцион ҳукуматга бошчилик қилди. Мазкур шаҳар оммавий антиимпериалистик ҳаракатнинг маркази бўлиб қолган эди.

Атоқли революцион демократ Сунь Ятсен Октябрь революцияси ва хитой халқининг озодлик қураши тажрибаси таъсири остида уз принципларини янғича изохлаб берди. Гар илғари миллатчилик принципи фақат миллатни Манчжурия династияси ҳукмронлигидан озод қилишни билдирган бўлса, эндиликда у миллатни чет эл империалистлари ва уларнинг гумашталаридан, феодал-милитаристик тудаларнинг ҳукмронлигидан озод қилишни, мамлакатни бирлаштириш учун, Хитойда истикомат қилиб турган миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги учун қурашни назарда тутарди. Илғари фақат республика тузумини урнатишни аниқлаган демократизм принципи эндиликда халқ ҳокимиятининг қарор топиши деб, уз мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлган ва буржуазия томонидан монополия қилинишини истисно этадиган суверен демократик республика тузишдан иборат деб қаралар эди.

Учинчи принцип - халқ фаровонлиги принципига ҳам Сунь Ятсен анча чуқур мазмун қиритди: бу мазмун йирик капитални чеклашдан, барча меҳнатқашларнинг аҳолини яхшилашдан ва аграр масалани ҳар бир ер хайдовчи узининг ерига эга бўладиган

килиб хал этишдан иборат эди. Сунь Ятсен узининг принципларини учта сиёсий йул-йурик билан тулдирди, яъни: СССР билан иттифок тузиш, ХКП билан ягона фронт тузиш, ишчи-деҳконлар оммасига таяниш, революцион ҳукуматнинг илтимосига кура Хитойнинг жанубига совет мутахасислари ва техника юборилди.

Назорат топшириклари:

1. Асримизнинг 20 - йилларида Хитой қандай давлат эди?
2. Дастлабки Сунь Ятсен томонидан 1912 йилда асос солинган Гоминдан партияси қимлар манфаатини ифодалар эди?
3. Халқ форовонлиги принципини изоҳлаб бering?

2-асосий савол:

Сунь Ятсен бошлик Гуанчжоу ҳукумати ва ягона фронтнинг ташкил топиши.

МАКСАД: Сунь Ятсен бошлик Гуанчжоу ҳукуматининг ташкил топиши, унинг ахамияти ва олиб борган сиёсатини ёритиб бериш, 1931 йил сентябрда Япон милитаристларининг мамлакатнинг шимолий-шарқий қисмига бостириб кириши ва ягона антияпон фронтининг ташкил топишини сузлаб бериш ва талабалар диққатига етказиш.

Идентив уқув мақсадлари:

1. Гуанчжоу ҳукуматини ташкил топиш шарт-шароитларини баён қилади.
2. Сунь Ятсен олиб борган сиёсат моҳиятини тушунтириб беради
3. Ягона антияпон фронтини тузишдан мақсад нималардан иборат эканлигини аниқлайди.

2-савол баёни:

1924 йилда гоминьданнинг 1 съезди бўлиб ўтди, унинг ишида коммунистлар ҳам қатнашдилар. Коминтерннинг тавсиясига кура, коммунистлар яқка-яқка тартибда гоминьданга қирардилар (бунда уларнинг ХКП га гоъвий ташкилий мансублиги сақланиб қоларди) .

Содир булган узгаришлар натижасида гоминьдан ишчилар майда ва урта дехконлар, шунингдек йирик буржуазия бир қисми блокнинг оммавий партиясига айлана бошлади. ХКП билан гоминьданнинг яқинлашуви ягона антиимпериалистик фронтнинг тузилишига олиб келди, бу фронтга хитой жамиятидаги деярли барча синфлар ва социал табакалар жалб қилинди. Бу ҳол революцион ҳаракатнинг юқласалишига ёрдам берди. Коммунистларнинг гоминьданга кириши ва ягона фронтнинг ташкил топиши ХКП фаолиятининг кенгайишига кудратли омил бўлиб хизмат қилди.

Бирок уша вақтда 1 минг кишидан камроқ аъзога эга булган еш компартияга гоминьдан билан ҳамкорлик қилишга қарши чиккан "сул" элементлардан ташқари унлар, оппортунистик элементлар ҳам кирдилар, улар гоминьданга ниҳоятда ён бердилар. Гоминьданнинг қупгина лидерлари ХКПга душманлик билан қарар ва оммавий революцион-озодлик ҳаракатининг авж олишини истамас эдилар. Айни бир вақтда Сунь Ятсен халқ қурашининг тобора эътиқодлироқ тарафдори бўлиб қолди. Гоминьданнинг 1 съезида В.И. Лениннинг вафоти ҳақида ахборот билан сузга чиккан Сунь Ятсен шу нарсани айтдики, Улуг октябрининг муваффақиятларига "рус революциясининг йулбошчиси Ленин олиб борга фидокорона қураш туфайли, унинг эришилди". Сунь Ятсен бундай деб огоҳлантирди: "Агар биз Россиядан урганмас эканмиз, партиямизнинг бундан кейинги революцион қураши натижасиз бўлиб қолди".

Сунь Ятсен 1925 йилнинг 12 мартда улими олдида гоминьдан раҳбарларига васиятни, Совет иттифокига мактубни айтиб ёздирди. Биринчи ҳужат империализмга қарши халқ қурашининг зарурлиги ҳақида, иккинчи ҳужат эса ССР билан иттифок тузишнинг Хитой учун аҳамияти тугрисида эди.

Чет эл империалистларининг Хитой реакциялари ёрдамида Гуанчжойдаги ҳукуматни ағдариб ташлашга уринишлари мағлубиятга учради. СССР меҳнатқашлари ташаббуси билан бутун дунёда "Хитойдан қулинг торт" деган шиор остида Хитой халқини химоя қилишга қаратилган оммавий ҳаракат бошланиб кетди.

1925 йилнинг баҳорида япон, инглиз ва америка империалистлари Хитойнинг бир қанча шаҳарларидаги ишчилар ва студентлар чиқишларини, бостириш учун қурол ишлатдилар.

Бунга жавобан Шанхай ва бошка саноат марказларини антиимпериалистик намоёишлар ва иш ташлашлар камраб олди.

1925 йилининг июлида Гуанчжоудаги ҳукумат узини Хитой республикасининг миллий ҳукумати деб, эълон қилди. Унинг ҳокимияти тезда мамлакат жанубидаги бошка вилоятларга ҳам тарқалди. Шимолда ҳам миллий-озодлик ҳаракати авж олиб кетди. 1926 йилнинг ёзида қарийб 100 минг жангчи ва командирлардан иборат ХРА Шимолга юриш бошлади, революциянинг янги планини В.К. Блюхер бошлик совет мутахассислари ишлаб чиққан эдилар. Юришнинг мақсади Хитойни миллий жихатдан бирлаштириш, турли феодал милитаристик тудаларни тугатиш, Хитойдаги нотенг шартномалари бекор қилиш ва империалистик зуравонликни тугатиш учун курашишдан иборат эди. 1926 йилнинг сентябрида ХРА Хитойнинг муҳим сув артерияси булган Янцзи дарёсига чиқди ва тезда йирик саноат ва маъмурий марказ - Уханни эгаллади. Сунгра у ерга миллий ҳукумат қучиб келди.

Марказий ва Шимолий Хитойнинг қўпгина шаҳарлари ва қишлоқ жойларида милитаристларга ва чет эл империалистларига қарши бошланиб кетган халқ қўзғолонлари ХРАнинг шимолга томон қўлчиб боришига ердан берди. 1927 йилнинг мартида узок давом этган қўролли қўрашдан кейин қўзғолон қўтарган ишчилар Шанхайни эгалладилар.

Назорат топшириқлари:

1. Хитойда 1912 йилда вужудга келган Гуанчжоу ҳукуматыни дастлабки асосий вазифаларини аниқланг?
2. Сунь Ятсен илгари сурган принциплар нималардан иборат эди?
3. Ягона антияпон фронтининг тузишдан мақсад нималардан иборат эди?

3-асосий савол:

Япония агрессиясининг вужудга келиши.

МАҚСАД: Хитой давлатига Япония томонидан 1931 йил сентябрь ойларидаги агрессиясининг бошланиши ва бу агрессиясининг II жаҳон уруши охирига сакланиб қолиш сабаблари ҳақида сузлаб бериш.

Идентив укув мақсадлари:

1. Гоминьанчилар реакция сиёсати ва Хитойни заифлашувини изохлаб бериш.
2. Япон милитаристларини Хитой агрессиясини бошланиши даврини аниқлаш.
3. II жаҳон уруши арафасида ва уни давомида Хитойда япон босқинчилиги ва унинг оқибатларини очиқ беради.

3-савол баёни:

Гоминьданчиларнинг реакция сиёсати Хитойни заифлаштириб, уни империалистларнинг осон улжсига айлантириб қўйди. 1931 йилнинг сентябрида япон милитаристлари мамлакатнинг шимолий-шарқий қисми бўлиб, у ерда бутунлай агрессорларга бўйсунган қугирчок режими ўрнатилган эди. Бошқа империалистик давлатлар Японияга жиддий қаршилик қўрсатмадилар, чунки унинг ССРга қарши қўрашда Хитойнинг халқаро маъқеини мустаҳкамлаш учун СССР 1932 йил декабрида Хитой билан дипломатия муносабатларини қайта тиклади, хитой милитаристларнинг антисовет ҳаракатлари туфайли бу муносабатлар 1929 йилда ўзилган эди.

1932 йилнинг январида япон милитаристлари Шанхайни босиб олишга ўриниб қўрдилар. Чан Кайшининг бўйруғига қарамадан, гоминьдан армиясининг у ерда турган қисмлари шаҳарни ҳимоя қилишга отланган Шанхай аҳолисини қўллаб-қувватладилар. Японларнинг Шанхайга ҳужумининг барбод бўлиши аҳолининг кенг қатламлари орасида ватанпарварлик қайфиятларини ўсиб бораётганидан далолат беради.

Қизил Армиянинг қаҳрамони қаршилик қўрсатишига қарамай, гоминьдан қўшинлари асосий революцион районларни босиб олишга ва у ерда қолган совет ҳокимиятини тугатишга муваффақ бўлдилар. Чжу Жэ кўмондонлик қилган Қизил армиянинг асосий қўчалари қўршовни ёриб ўтиб, 1939 йилнинг октябрида мамлакатнинг шимолий-ғарбий қисмига ўриш бошлашга муваффақ бўлдилар.

Шимолий-ғарбга томон илгарилаб бориш жараёнида мао Цзэдуннинг талаби билан 1935 йилнинг январида Цзуньда ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг кенгайтирилган кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш шахсий ўзгаришларни амалга

оширди. Хусусан, Мао Цзэдун ХКП Марказий Комитети серетариати составига киритилди. Бу хол унинг партия рахбарлигидаги мавкеини янада мустахкамлади.

Шимолий-гарбий юриш 1936йилнинг ноябрига кадар давом этди. Юриш вақтида Кизир Армия жангчилари ва командирларининг анчагина қисмидан ажралиб қолди. Кизил Армия қисмлари 12 минг км дан ортиқроқ масофани босиб утиб, Шэньси, Ганьсу ва Нинся вилоятлари чегарасида мустахкамланиб олдилар, бу ерда уларнинг қелишига кадар дехқонлар қузғолони муваффақиятли утган ва совет районлари ташкил этилган эди. Шу тариқа вужудга келтирилган Шэньси - Ганьсу - Нинся чегара райони, шунингдек Хитойнинг Алохида райони деб аталувчи бу район Хитой революциясининг асосий базаси ва японлар агрессиясига қарши қурашда асосий революцион учок бўлиб қолди.

Назорат топшириқлари:

1. Гоминьданчилар реакция сиёсатини вужудга қелишини шарҳлаб беринг?.
2. Хитойга агрессия йилларини ва уни оқибатларини гапириб беринг?.
3. II жаҳон уруши даврида Хитой халқининг олиб борган қурашига баҳо беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Фураев. Энг янги тарих Т.,1993 й. 1917-39й.
2. Сиёсий партиялар. Маълумотнома .М.-1968.
3. А. Чаковский, Галаба сиёсий очерк. М -1991.
4. В.Мальков , Ф. Рузвельт. Проблемы внутренней политики и дипломатии.
5. Г.К. Жуков. Воспоминания и размышление . М.-1985.
6. Энциклопедия. 2 қисм Москва 1990.

